

Олимнинг ўлими

بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ




Олимнинг ўлими

Олимнинг ўлими - оламнинг ўлими

علم او ڳايش بربر مسلمانان او چون مرشدور



Ойлик илҳимий-матрифий электрон журнал (5-сон, Жумодус соний, 1434)



Таҳрир ҳайъати:

*Шайх Муҳаммад Содиқ
Муҳаммад Юсуф (раис)
Тоҳир Малик.
Эркин Малик.
Абдулҳамид Турсун.*

*Муҳаммад Айюб Усмон.
Муҳаммад Зуфар.
Озод Мунаввар.
Исмоил Муҳаммад Содиқ
Анвар Аҳмад*

*“Ҳилол” ойлик электрон журнали. 4-сон.
Муассис: “Ҳилол” нашрети МЧЖ (Москва)
Бош муҳаррир: Аҳмад Муҳаммад
Бош директор: Абу Муслим
Дизайнер: Беҳзод Вафоев*

НЕГА ХОТИРЖАМ ЭМАСМИЗ?

Инсон яралишига кўра ҳаётда жуда нотавон, сал қийинчилик ёки йўқчиликка чидамайдиган бетоқат, бесабр, ҳеч нарсадан қониқмайдиган махлуқ саналади. Ана шу хислати туфайли ҳаётида таскин, ором топа олмайди. Хотиржам яшашни орзу қиладию аммо буни катта мол-дунё орқали қўлга киритаман, деб болаларча фикр юрилади. Минг машаққат билан мол-дунё тоғанида аллақачон хотиржамлиги ва оромини бой берганини тушуниб қолади. Қалбининг осойиш топишини истайдию аммо бунинг асл сабабларини бошқа иш ва машғулотлардан ахтаради. Фақат сокин нафсгина руҳий хотиржамлик келтиришини билгани ҳолда нафсининг васвасаларига, фитналарига учиб, орзу-ҳавасга зўр беради.

Инсонлар одатда кунлари яхши ўтмаслигидан, ризқлари камайиб ёки тўхтаб қолишидан, турмушлари ёмонлашувидан ва рўзгорларининг кемтик бўлишидан ҳаммиша ҳадиқда яшашади. Ҳамма ана шу кемтикликларни тўлдириш учун эртадан-кечгача зир югуради. Ҳаётини яхшилаш учун бутун билими, заковати, бойлиги, салоҳиятини сарфлайди. Бу йўлда ақл бовар қилмайдиган «тадбир»ларга, ҳийла-найрангларга ҳам боради. Оқибатда «ризқ ахтариб» руҳий хотиржамликдан, оилавий фароғатдан, маънавий камолотдан маҳрум бўлади.

Ҳозирга келиб бу ҳолатни ҳамма чуқур ҳис этиб турибди. Буни бутун дунёдаги жамиятлар ҳам тан олишга мажбур бўляпти. Фан-техниканинг юксак ривожига қарамай, дунё янги, йигирма биринчи асрда ҳам чинакам бахтли, осойишта ҳаётга эриша олмади: урушлар, мустамлакачилик фитналари, маданият ва мафкураларнинг глобаллашуви, зулм-вахшийликлар, жиноятчилик ва фаҳшнинг авж олиши, ўз жонига қасд қилишлар, бедаво касалликларнинг кўпайиши, ахлоқий тушунчаларнинг поймол бўлиши каби фожиалар аср кишиларини тобора ғамгин-изтиробли, эртанги кунидан умидсиз қилиб боряпти. Инсоният учун энг тансиқ бўлган сокин нафс, осойишта ҳаёт, руҳий хотиржамлик эса орзулигича қолиб келмоқда.

Чин инсоний ахлоқдан, яхши фазилатлардан чекинилган, диёнат ва инсоф унутилган жойларда ҳам хотиржам ҳаёт фақат орзу бўлиб қолиши аниқ. Дунё ҳаётида вақт-вақти билан содир бўлиб турадиган турли бало-офатлар, фалокатлар ҳам айримлар ўйлаганидай, «табиат катаклизми», иқлимнинг ўзгариши, «парник эффекти» маҳсули эмас, балки инсонларни ҳушёр торттириш учун юборилган огоҳлантириш ишорасидир.

Ризқ борасидаги тушунчаларимиз ҳам бузилиб кетган. Ризқни берувчи Аллоҳ эканини, У зот бир кишига кўпроқ, бошқасига камроқ ризқ ажратиб қўйганини унутиб қўйганмиз. Ҳақиқатан, инсон қанча елиб-югурмасин, ўзини ҳар қўйга солмасин, белгиланган кунини кўради, аталган ризқини ейди. Ундан бир дақиқа ҳам, бир мисқол ҳам ортиқ ёки кам бўлмайди.

Нафс инсоннинг ўзлигидир. Нафсига қўл бўлган одам фақат ўз роҳатини, осойишини, кайфу сафосини ва манфатларини ўйлайдиган бўлиб қолади. Ана шу нафс кўйида бошқалар билан олишади, ўзига беҳисоб душманлар орттиради, ўзгаларга ёмонлик, зулм қилишдан қайтмайди. Яратганининг ўлчов ва чегараларини бузиб, инсониятга хиёнатлар қилади ва охири разолат йўлини тутуди, турмушидан ором,

хотиржамлик кетади.

Ҳақиқатан бўлар-бўлмас ишларга диққат бўлавериш, ўтган кундаги битмаган юмушларига, хатоларига, эриша олмаган мақсадларига афсус чекавериш инсоннинг миясини доимо кемирадиган, ҳаётини оғирлаштирадиган, кунини зулмат, тунини ғурбат қиладиган бефойда ва зарарли ҳолатлардир. Бошингизга бир мусибат ёки бало келса, унга мардона дош беринг, сабр қилинг. Аллоҳдан уни кўтариб ташлашни, нажот беришини сўранг. «Бу кун ҳам ўтиб кетади» нақлига амал қилиб, ўзингизга тасалли беринг. Бу кун ҳам, эрта ҳам барибир ўтади, «қора» кунлар ортидан албатта ёруғи келади, мусибат-балолар унут бўлади.

Атоқли маърифатпарвар Ризоуддин ибн Фахруддиннинг ғоят таъсирли сўзларига қулоқ солинг: «Балоларга сабр қилиш ва қазоларга бўйсунуш бало бўлмайдиган ва қазолар кўрилмайдиган жойга борадиган бирдан-бир йўлдир. Одам боласи қайғу, ҳасрат кўрмай умр кечириши мумкин эмас. Турмуш ва ҳаёт тиканли чангалзор устидан юришдан, машаққат тўлқинлари билан курашиб сузишдан иборат. Ақлли киши шу машаққатлардан қўрқмаслиги, келажакдаги роҳатларга умид боғлаб, ушбу машаққатлардан енгилмаслиги, кўнглини чўктирмаслиги зарур. Ҳар оғирлик ортидан бир енгиллик келишини Яратганнинг Ўзи ваъда қилиб қўйган. Оқил киши албатта шу ваъдани хотирлаб, кўнглини хотиржам қилади, ўзига тсалли беради. «Бошқа кишилар роҳатда юрадилар, қайғулари йўқ, ғам-аламли биргина менман», деб гумон қилиш янглиш ва зарарлидир. Роҳатда деб гумон қилинган кишиларнинг ҳоллари текшириб кўрилса, эҳтимол улардаги мусибатлар бошқаларникига қараганда оғирроқ экани маълум бўлиши мумкин. Дунё кудурат юрти бўлиб, бир соат шодлиги бўлса, унга қарши юз соат ҳасрати бордир».

Чунки ҳаётда ҳали бундай разилликларга кўп дуч келасиз, вазнингиз миқдорича таъна-дашномларга учрайсиз. Албатта ўша маломатчиларнинг оғзини ёпиб, тилини боғлаб қўя олмайсиз. Лекин уларнинг танқидларини жим туриш, сабр, безътиборлик, совуққонлик билан даф қилишга эришиш мумкин. Бунинг учун фазилатларингизни кўпайтириш, тарбиянгизни янада комил қилиш, хато-камчиликларингизни тузатиш билан уларнинг оғзига қалампир сепиш, хуружини синдириш мумкин. Агар ҳаммага бирдай ёқишни, феъл-атворингиз, иш ва қилиқларингиз ҳаммага бирдай маъқул келишини, айб-хатолардан ҳаммиша омонда бўлишни истаётган бўлсангиз, шимолий музликлардан олов чиқариш каби эҳтимолдан йироқ нарсани орзу қилган бўласиз.

Одамлар билан муносабатда узлатга чекиниш ҳам инсонга руҳий хотиржамлик бахш этади. Бу нарсани таркидунёчилик, ҳаммадан узилиб, бир уйда биқиниб яшаш, деб тушунмаслик керак. Узлат дегани ёмонликлардан, ёмон одамлардан ўзни тортиш, узоқлашидир.

Яратганнинг амриси инсонга битта тикан ҳам кирмайди. Тўғрилиқ етишганингиз хато қилмаганингиз учун эмас, хато қилганингиз тўғрилиқ эришмаганингиз учун эмас. Мана шу ақида қалбингиздан жой топиб, виждонингизда ўрнашса, балолар катта неъматга, машаққатлар ноёб ҳаद्याга, барча тушкун воқеалар мукофот ва совринларга айланади.

ИЗН СЎРАМАЙ КИРМАНГ!

Жоҳилият даври арабларида кишиларнинг ҳақ-ҳуқуқларини, уларнинг шахсий, оилавий сир-асрорларини эҳтиром қилиш маданияти йўқ эди. Бировнинг уйига «Эрталабки салом!» «Кечки салом!» деб тўғри кириб боришаверарди. Уйда аёллар борлиги, уй эгаларининг турли ҳолда бўлишлари мумкинлиги ҳеч мулоҳаза қилинмас эди. Бу эса ўтакетган беодоблик бўлиб, турли ёмонликларга, гап-сўзларга сабаб бўладиган ҳолат эди. Шунинг учун ҳам Исломда ушбу ояти карима билан ҳар бир кимсанинг шахсий ҳурмати, уйнинг дахлсизлик ҳуқуқи собит этилди. Исломда биров яшаб турган жойга бошқа шахснинг, ким бўлишидан қатъи назар, ўша жой соҳибининг изнисиз киришга ҳаққи йўқ.

«Эй иймон келтирганлар! Ўз уйларингиздан бошқа уйларга то изн сўрамагунингизча ва уларнинг аҳлига салом бермагунингизча, кирманг». Ушбу ояти каримага биноан, бировнинг уйига кирмоқчи бўлган одам уй эгасининг изни билангина ва у ердагиларга салом бериб кирмоғи лозим. Шундай қилсалар, мўминларнинг ўзлари учун яхшидир. «Ана шундай қилмоғингиз сиз учун яхшидир, шоядки, эсласангиз».

Ушбу оятга амал қилинса, бировнинг хонадонига изн сўраб, салом бериб кирилсагина, турли ноқулай ҳолатларнинг олди олинадди. Изн сўрамай кирган одам уй эгаларининг ноқулай ҳолда турганларини кўриб қолса, гуноҳ бўлади. Икки томон ҳам ҳижолатга тушади. Балки, хусумат, уруш-жанжал чиқиши ҳам мумкин. Баъзи ҳолларда уйда аёл киши ёлғиз бўлиши, устига бегона эркак кириб, орада иғво, бўҳтон, фитна чиқиши мумкин. Ёки, аксинча, ёлғиз эркакнинг олдига бегона аёл киши кириб қолиши ҳам мумкин. Бундай ҳолатлардан доимо узоқ бўлиш керак.

Исломда бировнинг уйига рухсатсиз киришгина эмас, балки назар солиш ҳам, ҳатто мактубини изнисиз ўқиш ҳам тақиқланади.

Имом Абу Довуд ривоят қилган ҳадисда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким бир қавмнинг ҳовлисига уларнинг изнисиз қараса, бас, улар унинг кўзини ўйиб олсалар, хун тўламайдилар», – деганлар.

Имом Абу Довуд Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилган бошқа ҳадисда Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким биродарининг мактубига унинг изнисиз назар солса, худди дўзах оташига назар солгандек бўлади», – деганлар.

Ушбу икки ҳадиси шарифдан Исломда шахснинг дахлсизлиги ниҳоятда юқори даражада ҳимоя қилиниши кўриниб турибди. Бировнинг уйига рухсатсиз кириб бо-

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

يٰۤاَيُّهَا الَّذِيْنَ ءٰمَنُوْا لَا تَدْخُلُوْا بُيُوْتًا غَيْرَ بُيُوْتِكُمْ حَتّٰى تَسْتَأْذِنُوْا وَّتَسَلِّمُوْا عَلٰى اَهْلِهَا ذٰلِكُمْ خَيْرٌ لَّكُمْ لَعَلَّكُمْ

تَذَكَّرُوْنَ ﴿٢٧﴾

“Эй иймон келтирганлар! Ўз уйларингиздан бошқа уйларга то изн сўрамагунингизча ва уларнинг аҳлига салом бермагунингизча, кирманг. Ана шундай қилишингиз сиз учун яхшидир, шоядки, эсласангиз” (Нур сураси, 27-оят).

риш у ёқда турсин, рухсатсиз қараш, кўз ташлаш ҳам мумкин эмас. Чунки ичкарига кўз ташлаган одам уй эгасини, унинг аҳли-аёлини ҳар хил ҳолатда кўриши, бошқалардан сир тутган нарсаларидан воқиф бўлиб қолиши мумкин. Яна бошқа кўпгина ноқулай ҳолатлар вужудга келиши эҳтимоли бор.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бировнинг ҳовлисига рухсатсиз назар солган одамнинг кўзини ўйиб олган уй эгаси хун бермаслиги ҳақидаги гаплари эса бировнинг ҳовлисига изнисиз қараган одам катта жиноят қилганидан дарак беради. Одатда, бировнинг кўзига зарар етказган одамдан қасос олинадди. Яъни унинг ҳам кўзига зарар етказилади ёки хун ундирилади. Фақат ўзини ҳимоя этиб, тажовузкорнинг кўзини ўйиб олган одам хун тўламаслиги мумкин. Бировнинг ҳовлисига изнисиз қараган хиёнаткор кўз ҳам тажовузкор кимса кабидир.

Шунингдек, бировнинг мактубини ўғирлаб олиш ёки зўрлик қилиб ўқишга интилиш у ёқда турсин, изнисиз назар солиш ҳам мумкин эмас. Ким бировнинг мактубига изнисиз назар солса, дўзах оташига назар солгандек бўлиши оддий гап эмас.

Уламоларимиз назар солишга оид ҳукми эшитишга, қулоқ солишга ҳам қиёс қилганлар. Яъни бировнинг ҳовлисига, мактубига изнисиз назар солиш қанчалик ҳаром бўлса, ўша ҳовли ва уйдаги овозларга, гап-сўзларга яширинча қулоқ солиш ҳам шунчалик



ҳаромдир.

Бировнинг ҳузурига киришга изн сўрашнинг ҳам ўзига яраша одоблари бордир. Муслмон кишилар ушбу ислоний одобларга амал қилмоқлари лозимдир. Аввало, изн сўраётган одам ҳовлига, уй ичига назар солмасдан, бошқа томонга қараб туриб, изн сўраши керак.

Имом Абу Довуд Ҳузайл ибн Шурҳабийлдан ривоят қилган ҳадисда қуйидагилар зикр қилинади:

«Бир одам Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг эшикларига қараб туриб, изн сўрай бошлади. Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам унга: «Сен ундоқ ёки бундоқ тур, изн сўраш назардан сақланиш учун жорий қилингандир», – дедилар».

Яъни изн сўраш бировнинг уйига назар тушмаслиги учун жорий қилинган, ичкарига қараб туриб, изн сўрашнинг нима кераги бор?!

Шунинг учун ҳам изн сўрамоқчи бўлган кишилар эшикка юзма-юз ҳолатда эмас, балки ўнг ёки чап тарафлари билан турмоқлари лозим.

Имом Абу Довуд Абдуллоҳ ибн Буср розияллоҳу анҳудан қилган ривоятда қуйидагилар зикр этилади:

«Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам бир қавмнинг эшиги олдига келсалар, эшикка юзланиб турмас эдилар. Балки ўнг ёки чап томонлари билан турар ва «Ассалому алайкум, ассалому алайкум», – дер эдилар».

Имом Абу Довуд Амр ибн Маъд Сақафийдан ривоят қилган ҳадисда қуйидагилар айтилган:

«Бир одам Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига кириш учун изн сўрамоқчи бўлиб:

– Кираверайми? Кираверайми? – деди. Пайғамбар соллalloҳу алайҳи васаллам Равза исмли хизматчи аёлга:

– Анавининг олдига чиқиб, ўргатгин, у изн сўрашни билмас экан, унга айтки, «Ассалому алайкум, кираверайми?» – десин», – дедилар».

Одоб бўйича, изн сўрайдиган одам исмини аниқ айтиб, очиқ изн сўраши ва салом бериб кириши лозим.

Имом Абу Довуд Жобир розияллоҳу анҳудан қилган ривоятда у киши отасининг қарзи хусусида Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига борган-

лари ҳақида шундай дейдилар:

«Эшикни қоқдим. Ул зот соллalloҳу алайҳи васаллам:

– Бу ким?! – дедилар. Мен:

– Менман! – дедим. Ул зот норози оҳангда:

– Мен, мен... – дедилар».

Калда ибн Ҳанбал исмли киши келиб, Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига салом бермасдан кирганда, у зот соллalloҳу алайҳи васаллам унга: «Орқангга қайт! «Ассалому алайкум», – дегин», – дедилар.

Имом Абу Довуд қилган ривоятда айтилишича, ҳазрати Умар розияллоҳу анҳу қачон Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келсалар: «Ассалому алайка, эй Расулulloҳ, Умар кираверсинми?» – дер эдилар.

Изн сўровчи уч марта сўраши, ундан оширмаслиги лозим.

Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда Набий соллalloҳу алайҳи васаллам: «Сиздан бирор киши изн сўраса, уч марта сўрасин, изн берилмаса, ортига қайтсин», – деганлар.

Чунки уй эгалари бировни қабул қила олмайдиган ҳолатда бўлишлари ёки айнан изн сўраётган шахсни қабул қилиш имконлари йўқ бўлиши мумкин.

Изн деганда уй эгасининг ёки у томондан вакил қилинган шахсининг изни кўзда тутилади. Уйга эга бўлмаган ёки уй эгаси томонидан вакил қилинмаган одамнинг изни ҳисобга ўтмайди.

Изн сўровчи тихирлик қилмаслиги, одоб билан уч мартагача изн сўраши, жавоб бўлмаса, қайтиб кетмоғи лозим.

Имом Аҳмад ибн Ҳанбал ривоят қилган ҳадисда Қайс ибн Саъд ибн Убайда қуйидагиларни зикр қиладилар:

«Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам бизнинг уйимизга зиёрат қилиб келдилар ва:

– Ассалому алайкум ва роҳматуллоҳ, – дедилар.

Шунда Саъд секингина жавоб қайтарди. Қайс унга:

– Нима, Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламга изн бермайсизми?! – деди. Саъд:

– Жим тур! Бизга кўпроқ салом берсинлар! – деди.

Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам яна:

– Ассалому алайкум ва роҳматуллоҳ, – дедилар.

Саъд яна секингина жавоб қайтарди. Сўнгра Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам яна:

– Ассалому алайкум ва роҳматуллоҳ, – дедилар.

Сўнгра у зот соллalloҳу алайҳи васаллам қайтиб кета бошладилар. Шунда Саъд ортларидан бориб:

– Эй Аллоҳнинг Расули, мен саломингизни эшитиб, секингина жавоб берган эдим. Сизнинг саломингиз бизга кўп бўлишини орзу қилгандим, – деди. Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам у билан бирга қайтиб келдилар».

Агар изн сўровчи уйда бировни топа олмаса, қайтиб кетади. Шунингдек, ичкарига киришга рухсат берилмаса ҳам қайтиб кетади.

(“Тафсири Ҳилол”дан).

МУКАММАЛ ИЙМОН ШАРТИ

Аббос ибн Абдулмуттолиб розияллоху анху—дан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам: «Ким Аллоҳни – Робб, Исломни – дин, Муҳаммадни – Расул, деб рози бўлса, иймон таъмини тотган бўлади», дедилар» (Имом Муслим ва Термизий ривоят қилишган, Абу Довуд эса: «Ким Аллоҳ учун муҳаббат қилса, Аллоҳ учун ёмон кўрса, Аллоҳ учун берса, Аллоҳ учун ман қилса, батаҳқиқ, иймонни мукаммал қилган бўлади», деб келтирган).

Шарҳ: Ушбу ҳадиси шарифни Аббос ибн Абдулмуттолиб розияллоху анху ривоят қилмоқдалар. Аббос ибн Абдулмуттолиб ибн Ҳошим ибн Абдуманоф, оналари Нутайла бинти Ҳаббоб ибн Кулайб, кунялари Абу Фазл, Аббосийлар халифалиги асосчиси, Расулulloх соллаллоху алайҳи васалламнинг амакилари, жоҳилият даврида Қурайш қавмининг раиси ва Масжидул Ҳаромнинг бошлиғи бўлган. Расулulloх соллаллоху алайҳи васаллам билан ансорлар ўртасида бўлган «Ақаба» байъатида иштирок этган ва нутқ сўзлаган. «Ҳунайн» жангида мусулмонлар энгилиб турган пайтда, уларга тўғри йўлни кўрсатган. Расулulloх соллаллоху алайҳи васалламга қариндошлари ичида энг яқини бўлган улўф саҳобалардан эдилар.

Аббос розияллоху анху Исломга ҳижратдан олдин кирдилар, аммо иймонларини мушриклардан сир тўтар эдилар. Маккада бўлган пайтларида Расулulloх соллаллоху алайҳи васалламни мушриклар хабаридан воқиф этардилар. Бадр жангида мушриклар томонида бўлиб, урушга мажбур ҳолда олиб чиқилган эди. Шунинг учун Расулulloх соллаллоху алайҳи васаллам саҳобаларга: «Ким амаким Аббосга йўлиқса, ўлдирмасин», деб айтдилар.

Расулulloх соллаллоху алайҳи васаллам амакиларини жуда яхши кўрар эдилар. Ҳатто Бадр жанги тугаган кун амакилари Аббос асирликда ётганлари сабабли ўхлай олганлари йўқ. Расулulloх соллаллоху алайҳи васаллам айтар эдилар: «Эй инсонлар, ким амаким Аббосга озор берса, менга озор берибди. Бу амаким отамнинг мен учун қолдирган кишисидир».

Аббос ибн Абдулмуттолиб Мадинага ҳижрат қилиш учун Расулulloх соллаллоху алайҳи васалламдан изн сўрганларида, Расулulloх соллаллоху алайҳи васаллам: «Маккадаги мақоминг сен учун яхшироқдир», деб айтдилар. Бу зот хотинлари Умму Фазл билан ҳижратни 8-йили Рамазон ойида Маккадан Мадинага ҳижрат қилишди. Шунда Расулulloх соллаллоху алайҳи васаллам: «Менинг пайғамбарлигим охириги пайғамбарлик бўлганидек, сизнинг ҳижратингиз охириги ҳижратдир», деб айтдилар. Аббос ибн Абдулмуттолиб сахий кишилардан эдилар, бутун молларини урушга аскарларни жиҳозлаш учун сарф қилардилар. Ўз ҳисобларидан етмишта қул озод қилганлари ривоятларда келади. Расулulloх соллаллоху алайҳи васаллам вафотларидан кейин Аббоснинг жону тани, молу дунёси Ислом хизматида бўлди.

Умар розияллоху анху халифалик давларида сув

йўқлиги сабабли қаҳатчилик етди. Халифа бир неча марта дуо қилиб, сув талаб қилди. Лекин ёмғир ёрмади. Халифа Умар ҳазрати Аббоснинг ҳузурларига бориб, бирга чиқишини сўради. Ҳазрати Аббос мусулмонлар билан чиқиб, осмонга қўлларини чўзиб дуо қилганларидан кейин, Аллоҳ инсонларни бу қаҳатчиликдан халос этди.

Бу зот ҳадис ривоят қилувчи улўф саҳобалардан эдилар. Аббос розияллоху анху 35 та ҳадис ривоят қилганлар. Бу кишидан Абдуллох ибн Ҳорис, Омир ибн Саъд, Аҳнаф ибн Қайс ва бош—қалар ривоят қилишди.

Аббос розияллоху анхунинг ўнта ўғли бўлиб, қизлари йўқ эди. Умрларининг охирида кўзлари ожиз бўлиб қолади. У киши ҳижратнинг 32 йили, ражаб ойининг 16-куни саксон саккиз ёшларида Мадинада вафот этдилар. Бу ҳодиса Усмон розияллоху анху ўлдирилишидан икки йил олдин бўлди. У кишига Усмон розияллоху анху жаноза намозини ўқидилар. Аббос розияллоху анху «Жаннатул-Бақиъ»—га дафн этилдилар.

Ушбу ҳадисда ҳам улкан маъно баён этилмоқда. Унда иймон таъмини тотиш, иймон мукаммаллигига эришиш қайси йўл билан амалга ошиши мумкинлиги баён қилинмоқда. Бунинг учун эса, қуйидагилар амалга ошиши керак:

«Аллоҳни – Робб» деб рози бўлиш. Робб «тарбиячи» маъносини англатади. Урфда эса кўп маъноларни, жумладан «ризқ берувчи», «тадбирини қилувчи», «яратувчи», «эга» маъноларини ифода қилади. Робб Аллоҳ таолонинг гўзал исмларидан биридир. Аллоҳ таоло бутун оламларнинг яратувчиси, уларга ризқ берувчи, тадбирини қилувчи, эгалик қилувчи ва тарбияловчиси бўлганидан шундоқ аталган. Аллоҳни Робб, деб рози бўлиш эса, Аллоҳ менинг яратувчим, тарбиякунандам, эгам, ризқ берувчим, тадбиримни қилувчим, деб чин дилдан рози бўлишни англатади. Рози бўлиш оғиздаги қуруқ гап эмас, ёки кўнгилдаги гумон ҳам эмас. Балки, тўлиқ ишонч ва қаноатдир. Ким шу ишонч билан, шу қаноат билан яшаса, иймон таъмини тотиш йўлида катта қадам босган бўлади. Кейинги қадамлар эса,

Исломни – дин деб, Муҳаммад соллаллоху алайҳи васалламни – Расул деб, рози бўлиш билан бўлади.

«Дин» деганда ҳозирги бузуқ тушунча кўзда тутилмайди. Ҳозирда дин деганда, масжидни, намозни, қабристонни, ўлганларга маросим қилишни ва шунга ўхшаш нарсаларни тушуниб қолинган. Аслида эса, дин Аллоҳ томонидан юборилган, инсоннинг икки дунё саодатига эришиши учун зарур бўлган кўрсатмалар тўпламидир. Демак, Иймон таъмини тотиш учун инсон Исломга тўлиқ амал қилиб яшаши керак, деган ишончга ва қаноатга эга бўлиши керак.

Бунинг учун эса, Муҳаммад соллаллоху алайҳи васалламни Расул яъни, Аллоҳнинг элчиси, деб рози бўлиш керак. Ислом таълимотларини, ҳукмларини Аллоҳдан қабул қилиб, бандаларга етказган, ҳаётга татбиқ қилиб кўрсатган зот Муҳаммад соллаллоху алайҳи васалламдирлар. У зотни Расул, деб рози бўлмагунча иймон таъмини тотиб бўлмайди. Ҳа, Аллоҳни Робб, Исломни дин, Муҳаммад соллаллоху алайҳи васалламни Расул



деб, рози бўлган одамгина иймон таъмини тотиши мумкин. Шу мақсад йўлида машаққатларни кўтаришга рози бўлган одамгина иймон таъмини тотиб кўриши мумкин. Аммо, чин қалбдан розилик – ишонч ва қаноат бўлмаса, иймон таъми ҳам бўлмайди.

Имом Абу Довуд ривоятида келган, иймоннинг мукаммал бўлиши учун амалга оширилиши лозим бўлган ишлар куйидагилардан иборат:

1. Аллоҳ учун муҳаббат қилиш.

Кимга ёки нимага муҳаббат қиладиган бўлса, Аллоҳ учун муҳаббат қилган кишигина иймонини мукаммал бўлишидан умид қилса бўлади. Бировга муҳаббат қиладиган бўлса, ўша одам Аллоҳнинг амрида юргани учун, Аллоҳга иймони борлиги учун, Аллоҳга ибодат қилиб яшаётгани учун, Аллоҳ учун муҳаббат қилади. Бунга бошқа ғараз, мақсад аралашиб қолса, муҳаббат Аллоҳ учун бўлмай қолади. Шунингдек, бирор ишни, гуруҳни, жамоатни ва шунга ўхшаган нарсаларни яхши кўриш ҳам Аллоҳ учун бўлгандагина муҳаббат эгаси ўз иймонини мукаммал бўлишидан умид қилса бўлади.

2. Аллоҳ учун ёмон кўриш.

Кимни ёки нимани ёмон кўрса, Аллоҳ учун ёмон кўрадиган кишигина иймонини мукаммал бўлишидан умид қилса бўлади. Бировни ёмон кўрадиган бўлса, ўша одам Аллоҳнинг амрида юрмагани учун, Аллоҳнинг динига амал қилмагани учун, гуноҳ ишларни қилгани учун ёмон кўради. Бошқа сабабдан ёмон кўриш эса мумкин эмас. Шунингдек, бирор ишни, гуруҳни ёки шунга ўхшаш нарсаларни ҳам Аллоҳ учун, Аллоҳнинг таълимотларига тескари бўлгани учун ёмон кўрган одамгина

иймони мукаммал бўлишидан умид қилса бўлади.

3. Аллоҳ учун бериш.

Бунга моддий, маънавий ҳамма нарсалар киради. Бировга бир яхшилик қилса, Аллоҳ учун, ўша яхшиликдан манфаатдор одам ҳам Аллоҳнинг йўлида юргани учун қилсагина иймони мукаммал бўлиши учун ҳаракат қилган бўлади. Демак, мусулмон одам ўзгаларга моддий ва маънавий атолар бериш пайтида фақат Аллоҳ таолонинг розилигини кўзлаб иш тутса, иймони комиллиги учун интилган бўлади.

4. Аллоҳ учун ман қилиш.

Бунга моддий, маънавий ҳамма нарсалар дохилдир. Бировдан бир нарсани ман қилса, фақат Аллоҳ учун, ўша иш Аллоҳнинг амрига тўғри келмаслиги учун, ўша шахс Аллоҳнинг амрида юрмагани учун бериладиган нарсани ман қилиши керак.

Ушбу ҳадисдан олинadиган фойдалар матннинг ўзида очиқ-ойдин кўришиб турибди. Иймоннинг таъмини тотиш учун:


1. Аллоҳни – Робб деб рози бўлиш;
2. Исломни – дин деб рози бўлиш;
3. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламни – Расул деб рози бўлиш керак.

Иймоннинг мукаммал бўлмоғи учун эса:

1. Аллоҳ учун муҳаббат қилиш;
2. Аллоҳ учун ёмон кўриш;
3. Аллоҳ учун бериш;
4. Аллоҳ учун ман қилиш керак.

(“Ҳадис ва Ҳаёт”, 2-жилд).

ТАҲОРАТ ВА НАМОЗ ҲУКМЛАРИ



3-ДАРС

- 1) Қазои ҳожат ва истинжо одоблари
- 2) Таҳорат ва унинг ҳукмлари
- 3) Таҳоратнинг дуруст бўлиш шартлари
- 4) Таҳоратнинг фарзлари
- 5) Таҳоратнинг суннатлари
- 6) Таҳоратнинг одоблари
- 7) Таҳоратнинг макруҳлари
- 8) Таҳоратнинг сифатлари
- 9) Таҳоратни синдирувчилар
- 10) Узрли кишининг таҳорати
- 11) Узрли кишининг ҳукми
- 12) Узрли кишига вожиб бўлган нарсалар
- 13) Таҳоратсиз кишига ҳаром бўлган нарсалар.

Қазои ҳожат ва истинжо одоблари

Ҳожатхонага кираётган киши учун қуйидаги амаллар одоб ҳисобланади:

1. Киришдан олдин ушбу дуони ўқиш:

«Аллоҳумма инний аъзузу бика минал хубси вал хобаис». (Абу Довуд, Термизий, Насайий ривояти). Маъноси: «Аллоҳим, эркак ва аёл шайтоннинг ёмонлигидан паноҳ тилайман».

2. Ҳожатхонага чап оёқ билан кириб, ўнг оёқ билан чиқиш.

3. Чиққандан сўнг ушбу дуони ўқийди:

«Фуфронака. (Абу Довуд ривояти). Алҳамдулиллаҳиллазий азҳаба ʻаннил аза ва ʻафоний» (Ибн Можа, Ибн Абу Шайбалар ривоят қилишган).

Маъноси: «Мағфират қилишингни сўрайман. Мени офиятли қилган ва мендан азиятни кетказган Аллоҳга ҳамд бўлсин».

4. Қазои ҳожатни ўтирган ҳолда бажариш, фақат ўтира олмайдиган узри бўлса, турган ҳолда бажаради.

5. Қазои ҳожат вақтида, истинжо ҳолатида бош кийим билан Аллоҳдан ва малоикалардан ҳаё қилган ҳолда ўтириш.

Қабр устига қазои ҳожат қилиш, шунингдек, хоҳ кенг дала бўлсин, хоҳ бирор бинонинг ичи бўлсин, қиблага юзланиб ёки унга орқа қилиб ўтириш макруҳи таҳримий,

яъни ҳаромга яқин макруҳдир. Тўхтаб турган оз сувга ҳожат ушатиш ҳаромдир. Агар тўхтаб турган сув кўп бўлса, унга ҳожат қилиш макруҳи таҳримийдир. Агар сув оқувчи бўлса, унга ҳожат қилиш макруҳи танзиҳий бўлади.

(Изоҳ: Бу, сувга пешоб қилса бўлади, дегани эмас. Сувга пешоб қилишнинг разолати инсон ўзининг юзига пешоб қилиши разолати билан баробардир. Муслмон одам бундай ишни ҳеч қачон қилмаслиги керак. Бу ўринда амалнинг ҳукми масала сифатида келтирилмоқда).

Сувхоналарга, сув оқиб келадиган ерларга, инсонлар юрадиган, салқинлаб ўтирадиган, тўпланадиган жойларга қазои ҳожат қилиш макруҳдир. Яна ҳожат вақтида гапириш, тили билан Аллоҳ таолони зикр қилиш, қуёш ёки ойга юзланиб ўтириш ҳам макруҳдир.

“Истинжо” деб нажосат чиқадиган ўринларни сув билан тозалашга, “истижмор” эса тош билан тозалашга айтилади. Бу эркакларга ва аёлларга суннати муаккададир. Лекин нажосат махражга, яъни нажосат чиқадиган ўринга дирҳам миқдоридан кўпроқ ёйилган бўлса, кесакнинг ўзи кифоя қилмайди, балки сув билан ювиш вожиб бўлади. Буни чап қўл билан қилиш мустаҳаб амалдир. Кесак ишлатиб, сўнг сув билан ювиш фақат бири билан кифоялангандан кўра афзал ҳисобланади.

Таҳорат ва унинг ҳукмлари

Аллоҳ таоло: «Эй иймон келтирганлар, намозга турсанглар, юзларингни ювинглар ва қўлларингни тирсагигача (қўшиб) ювинглар ва бошингларга масҳ тортинглар ва оёғларингни тўпигигача (қўшиб) ювинглар», деб айтган. (Моида сураси, 6-оят).

«Алий каррамаллоҳу ваҷҳаҳу: «Эй Ибн Аббос, сенга Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қай тарзда таҳорат қилганларини кўрсатайми?» деди. Ибн Аббос: «Майли», деди. Шунда у идишни қўлига қийшайтириб, уни ювди. Кейин ўнг қўлини киргизиб, ундаги сувни наригисига қуйиб икки кафтини ювди. Сўнгра мазмаза ва истинсор қилди (яъни оғзи-бурнига сув олиб ювди). Кейин иккала қўлини идишга солди-да, бир ҳовуч сув олиб, юзига ишқалади. Сўнг икки бош бармоғини қулоқ атрофларига айлантди. Кейин иккинчи бор, кейин

учинчи бор худди шундай қилди. Сўнг ўнг кафтида бир ховуч сув олиб, пешонасига қуйди-да, уни юзидан оқиб тушишига қўйиб берди. Кейин билакларини тирсақларига уч марта ювди. Сўнгра боши ва қулоқлари устига масҳ тортди. Кейин иккала қўлини киргизиб бир ховуч сув олди. У билан оёғига урди ва уни ювди. Бу барча қисмига сув етиши учун бўлди. Кейинги оёғини ҳам шундай қилди» (Имом Абу Довуд ва бошқалар ривояти).

Таҳоратнинг дуруст бўлиш шартлари

1. Ювилиши фарз бўлган ҳар бир аъзони қолдирмай ювиш.

2. Аъзоларга сув етишидан тўсадиган нарсалар бўлмаслиги. Сувдан тўсадиган нарсалар: ёғ, хамир, мум, аёллар тирноқларига қўядиган лак ва шу кабилар.

3. Таҳоратга киришишдан олдин таҳоратга тўсқинлик қилувчи ҳар қандай нопокликлардан ҳоли бўлиш.

Пешоб томаётган вақтда, бурун қонаётганда уларни тўхтатмасдан қилинган таҳорат дуруст бўлмайди, чунки улар (бавл ва қон) таҳоратга тўсқинлик қилувчи нопокликлардандир. Лекин бурни доим тўхтамай қонайдиган, пешоби ҳам тўхтамай томиб турадиган кишининг таҳорати ва намози узр сабабидан дуруст бўлади. Фақат шу шарт биланки, узрли одам ҳар бир намознинг вақти учун алоҳида таҳорат қилади.

Таҳоратнинг фарзлари

Юқорида зикр қилинган ояти каримага кўра, таҳоратнинг фарзлари тўрттадир:

1. Юзни бир марта ювиш. "Ювиш" дегани сув тегиши лозим бўлган ўринлардан сувни оқизишдир. Юзнинг чегараси узунасига соч чиққан жойдан жағнинг остигача, кенглиги эса икки қулоқ юмшоғининг орасигача бўлган ўриндир.

2. Икки қўлни тирсақлари билан қўшиб бир марта ювиш.

3. Бошнинг тўртдан бирига бир марта масҳ тортиш.

4. Икки оёқни ҳам ошиғи билан қўшиб бир марта ювиш. Оёқнинг ошиғи қадамдан юқорида, тўпикдан пастдаги бўртиб кўришиб турган суяқдир.

Таҳорат қиладиган киши агар тирноқлари узун бўлса, унинг остига сув етказиши ва яна кўзи атрофига йиғилиб қоладиган кирларни олиб, остига сув теккизиши ҳам шартдир.

Таҳоратнинг суннатлари

1. Таҳоратни «Бисмиллаҳ...» билан бошлаш.

2. Таҳорат қилишга ёки ҳадасни ўзидан кетказишга ният қилиш.

(Изоҳ: Ниятнинг ўрни қалбдир, уламолар қалбни уйғотиш учун нутқ қилиш маҳбуб, дейишган. Бу сўзни Хужжатулислом Имом Ғаззолий "Ихё улумид-дин" китобининг "Ният боби"да келтирган).

3. Таҳоратни бошлашдан аввал икки қўлни бўғимигача уч марта ювиб олиш.

4. Таҳоратни мисвок ишлатиш билан бошлаш.

5. Сув билан оғизни ғарғара қилиш (бу "мазмаза" деб ҳам юритилади).

6. Бурнига ҳам уч марта сув олиб қоқиш (бу "истинсор" деб ҳам юритилади).

7. Оғиз билан бурунга сувни яхшилаб, ҳатто мия ачишгунча олиш ҳам суннатдир. Лекин рўзадор одамнинг рўзаси очилиш эҳтимоли борлиги учун бурунга мия ачишгунча ва оғизга ҳам томоқдан ўтай дегунча сув олиш макруҳ ҳисобланади.

8. Ювиш талаб қилинган ҳар бир аъзони уч мартадан ювиш.

9. Соқол қалин ва юзни беркитадиган даражада бўлса, пастидан юқорига ҳилол қилиш ҳам суннатдир. Бу юзни уч бор ювгандан сўнг бажарилади. Аммо соқол сийрак ва юзни беркитмайдиган бўлса, унда сувни соқолнинг остига етказиш вожиб бўлади.

10. Қўл ва оёқ бармоқлари орасига ҳилол қилиш.

11. Бошнинг ҳаммасига масҳ тортиш.

12. Икки қулоққа ҳам бошга масҳ тортгандаги нам қўл билан масҳ тортиш.

13. Ювиш талаб қилинган ўринларни сув билан ишқалаш.

14. Таҳорат амаллари орасига бошқа иш аралаштирмай, уларни пайдар-пай бажариш. Бунда бир аъзо қуриб қолмасдан туриб иккинчиси ювилади.

15. Ояти каримадаги тартиб каби таҳорат қилиш, яъни, қўлдан олдин юзни, бошга масҳ тортишдан олдин қўлни, оёқни ювишдан олдин бошга масҳ тортишни бажариш ҳам суннатдир.

16. Қўл ва оёқларни ўнгидан бошлаб ювиш.

17. Бўйинга масҳ тортиш ҳам суннатдир. Халқумга масҳ тортиш суннат эмас, балки бидъатдир.

Таҳоратнинг одоблари

1. Ердан юқориқроқ ўринга ўтириб таҳорат олиш.

2. Таҳорат пайтида қиблага юзланган бўлиш.

3. Аъзоларни ювишда бошқа кишидан ёрдам сўрамаслик, лекин ожизлиги ва касаллиги сабабли ёрдам сўраса, дуруст бўлади.

(Изоҳ: Лекин биров ўзи ёрдам бермоқчи бўлса, мисол учун таҳоратга сув қуйиб туришни истаса, бунинг зарари йўқдир. Чунки таҳорат қилувчи ундан ёрдам сўрамаяпти, балки унинг ўзи ёрдам бермоқчи. Демак, бунинг таҳорат одобларига зид жойи йўқ).

4. Мубоҳ сўзларни тарк қилиш.

5. Оғизга ўнг қўл билан сув олиш. Бурунга ҳам ўнг қўл билан сув олиб, чап қўл билан қоқади.

6. Ювиш фарз бўлган аъзоларнинг белгиланган жойидан кўпроғини ювиб, ҳадисда келганидек, қиёматдаги нур ва қашқани кўпайтириш.

7. Кенгроқ узукни таҳорат вақтида ҳаракатлантириб қўйиш ҳам одобдир, аммо узук тор бўлса, унинг остига сув тегиши учун ҳаракатлантириш шарт бўлади.

8. Таҳоратдан сўнг қиблага юзланиб тик турган ҳолатда шаҳодат калималарини ва маъсур дуоларни ўқиш.

«Ашҳаду алла илаҳа иллаллоҳу ваҳдаҳу лаа шарийка лаҳу ва ашҳаду анна Муҳаммадан абдуҳу ва расулуҳу. Аллоҳуммажъалний минат таввабийна важъалний минал мутатоҳҳирийн». (Имом Муслим, Термизий ва Байҳақий

ривояти). (Маъноси: «Гувоҳлик бераман, Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ, У ёлғиздир, Унинг шериги йўқ ва гувоҳлик бераманки, Мухаммад Унинг бандаси ва элчисидир. Аллоҳим, мени тавба қилувчилардан ва покланувчилардан қил»).
 9. Макруҳ вақтлар бўлмаса, таҳоратдан сўнг икки ракат намоз ўқиб қўйиш ҳам одобдандир. Нафл намозларни ўқиш макруҳ ҳисобланадиган вақтлар қуйидагилар: мит – мит

– субҳи содиқ киргандан сўнг то қуёш чиққунча;

– қуёш чиқишни бошлагандан то бир найза бўйи кўтарилгунча, бу қарийб ярим соатга боради.

(Изоҳ: шу пайтда ҳар қандай намоз ўқиш ҳаромдир. Ҳатто бомдод намозини қазо қилган одам шу вақтни ўтказиб кейин ўқийди;

– кундузнинг ўртасида, яъни қуёш тиккага келганда; бу тақрибан пешиндан ярим соат олдин бўлади. Буни “завол вақти” дейилади (шу орада ҳам намоз ўқиш ҳаромдир).

– аср намози ўқиб бўлингач, то шомгача бўлган вақтда нафллар макруҳдир;

– қуёшнинг нури кетган вақтдан то шомгача ўқилган намоз ҳам ҳаромдир, бу тақрибан қуёш ботишидан ярим соат олдинги вақт ҳисобланади.

(Изоҳ: аммо ўша куннинг асрини ўқимаган бўлса, уни қуёшнинг ярми ботаётган бўлса ҳам ўқиб олади.)

Таҳоратнинг макруҳлари

Қуйидаги ишлар таҳоратда макруҳи танзиҳий ҳисобланади:

1. Сувни исроф қилиш.

(Изоҳ: ҳатто уч марта ювиш суннат бўлган ўринларни икки ёки уч марта ювгани ўртасида шак қилиб қолса, модомики, икки марта ювган бўлса ҳам, уч марта ювганга ҳисоб қилади. Чунки шу ўринда икки марта билан кифояланса зарари йўқ, аммо тўрт марта бўлиб кетса, бидъат ва исроф ҳисобланади. Демак кўпайиб кетиш эҳтимолидан сақланган маъқулдир).

2. Сувни ўта кам ишлатиш.

(Изоҳ: ҳатто ювиш лозим бўлган ерларга сувнинг оқиб бормаслиги ва у жойларни нам қўл билан ишқалаб, шу билан кифояланиш ҳам макруҳдир).

3. Сувни юзга зарб билан шапиллатиб уриш.

4. Рўзадор одамнинг бурнига ва оғзига сувни қаттиқ тортиши ҳам макруҳдир. Чунки бунда рўзанинг очилиб кетиш хавфи бор.

5. Нажосатли жойларда таҳорат олиш.

6. Таҳорат асносида заруратсиз гаплашиш.

7. Бурун ва оғизга сув олиш ҳамда ниятга ўхшаган таъкидланган суннатларни тарк қилиш ҳам макруҳдир.

Таҳоратнинг сифатлари

Таҳорат уч қисмга бўлинади:

1. Фарз – таҳоратсиз киши агар намоз ўқимоқчи бўлса (у хоҳ нафл, хоҳ жаноза намози бўлсин, барибир); ёки Қуръони каримдан бир оят бўлса ҳам қироат қилмоқчи, тиловат саждаси қилмоқчи бўлсин ё Мусҳафни ушламоқчи бўлсин, унга таҳорат қилиш фарз бўлади.

2. Вожиб – Каъбаи муаззамани тавоф қилмоқчи бўлган таҳоратсиз кишига таҳорат қилиш вожибдир.

3. Мандуб, яъни тавсия қилинган таҳорат – таҳоратсиз кишининг уйқудан олдин, уйғонгандан кейин таҳорат олиши; таҳоратли кишининг устига яна таҳорат олиши; ғийбат, чақимчилик, ёмон сўзлардан, ҳар бир хатодан сўнг, майитни ювгандан кейин, яна ҳар намозга алоҳида таҳорат олиш; жунуб кишининг ғул қилишдан олдин, овқатланишдан, ичимлик ичишдан, ухлашдан, яна бир бор эр-хотинлик қилишдан олдин таҳорат олиши; ғазаб келганда таҳорат қилиш (чунки ғазаб шайтондан бўлиб, шайтон эса ўтдан яратилгандир, ўт эса сув билан ўчирилади); Қуръон қироат қилиш, ҳадис ўқиш, шаръий илмлардан дарс қилиш, азон ва иқомат айтиш, хутба ўқиш, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қабрларини зиёрат қилиш, Арафот тоғида туриш, Сафо ва Марвани саъй қилиш учун қилинган таҳорат мандуб ҳисобланади. Яна туя гўштини егандан сўнг таҳорат олиш ҳам мандубдир.

Уламоларга муҳолиф бўлмаслик учун ҳам таҳорат олиш одобдир. Мисол учун, аёл кишини ушлаш билан имом Шофеъий наздларида таҳорат синади, худди шунингдек, кафтининг ичи билан ўз авратини ушласа ҳам. Бизнинг мазҳабимизда бу кўринишда таҳорат синмаса ҳам яна қайта олиш одобдандир. Чунки ҳамма уламо-ларнинг иттифоқига кўра қилинган ибодат чиройли бўлади.

Таҳоратни синдирувчилар

1. Кишининг орқа ва олди нажосат йўлидан чиқадиган ҳар қандай нарса таҳоратни синдиради. Улар хоҳ бавл, хоҳ ел бўлсин, хоҳ нажосат, хоҳ қурт бўлсин, фарқи йўқ. Яна шу икки йўлдан бирига бармоқнинг киришлиги ёки орқага ҳуқна (клизма) қилиб чиқариб ташлаш билан ҳам таҳорат синади.

2. Баданнинг қайси бир жойидан қон ёки йиринг чиқсаю, тоза жойга ёйилса ҳам, таҳорат бузилади (Изоҳ: лекин жароҳат катта бўлсаю, чиққан қон ёки йиринг шу жароҳат ичида айланиб юрса, таҳорат синмайди.)

3. Оғизни тўлдириб қайт қилиш билан ҳам таҳорат синади. Инсон қайт қилганда оғзи тўлиб гапира олмай қолса ёки оғзини беркита олмаса, шу ҳолат оғзи тўлиб қайт қилганга киради (Изоҳ: оғзи тўлмай озгина қайт қилса, худди кекиргандаги каби таҳорат синмайди.)

4. Ёки инсон қон қайт қилсаю, тупугига қоннинг ранги ғолиб бўлиб қизарса, синади. Аммо тупугининг ранги сарғайса, синмайди (Изоҳ: демак, бунда оғизнинг тўлишига эмас, балки тупугининг рангига эътибор берилди. Аммо тиш қонаса ва қонаган еридан оқиб ёйилса, таҳорат синади, бу ўринда тупук рангининг эътибори йўқ. Кўпчилик буни чалкаш тушунади. Демак, қон қайт қилганда тупугининг ранги қизаргани эътибори билан таҳорат синса, тиш қонаганда шу қонаганлик эътибори билан таҳорат синади. Бу нарсага диққат қилинг!).

5. Киши ёнбошлаб ёки бир нарсага суюниб ухласа ва уйқуси шу суюнган нарсаси олиб қўйилганда йиқиладиган даражада бўлса, таҳорати синади; маст бўлиш, ҳушдан кетиш ва яна жинни бўлиш билан ҳам таҳорат синади;

6. Рукуъ ва саждаси бор намозда балоғатга етган хоҳ эркакнинг, хоҳ аёлнинг қаҳ-қаҳ отиб кулиши билан таҳорат синади. Ёнидаги киши эшитадиган даражадаги кулги “қаҳқаҳа” дейилади. Аллоҳ таоло билан муножот қилаётганда бу каби нарсаларни қилувчиларга таъзир бериш сифатида уларга таҳоратни янгилаш шарт қилинмоқда (Изоҳ: Имом Молик, Шофеъий ва Аҳмад ибн Ханбал роҳматуллоҳи алайҳимларнинг наздида кулги таҳоратни синдирмайди. Чунки у таҳоратни синдирувчи нажосатлардан эмасдир. Агар кулги намозда таҳоратни синдирса, намоздан ташқарида, шу билан бирга жаноза намозида ва сажда тиловатида ҳам таҳоратни синдириши керак бўлади. Шу қиёсга кўра кулги таҳоратни синдирмаслиги керак. Биз ҳанафийларда кулгининг таҳоратни синдириши қиёсга кўра эмас, балки ҳадиси шарифда келган матнга кўрадир. Имом Доракутний Абу Ҳурайра ва Имрон ибн Ҳусойндан, Табароний Абу Мусо Ашъарийдан ривоят қилиб келтиради: “Бир куни Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам одамларга намоз ўқиб бераётган эдилар. Бир киши тўсатдан кириб масжиддаги чўқурчага тушиб кетди. Унинг кўзида илллати бор эди. Қавмдан кўпчилик намозда турган ҳолида кулиб юборди. Шунда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ким кулган бўлса таҳорат ва намозини қайтадан қилишига буюрдилар”. Бу ҳадис мурсалдир. Мурсал ҳадис эса жумҳурнинг наздида ҳам далил бўла олади. Шу билан бирга мурсал бўлса-да ҳадис борлигида қиёсга ўрин йўқдир. Шунга кўра қаҳқаҳа кулгиси намозда таҳоратни мутлақ синдиради. Кулиш уч хил бўлади: 1) қаҳ-қаҳ отиб кулиш. Қаҳқаҳа рукуъ ва саждали намозда содир бўлса, кулувчининг таҳорати синиб, намози ҳам бузилади; 2) қиқирлаб кулиш; киши фақат ўзи эшитадиган даражада кулишига “қиқирлаб кулиш” дейилади. Рукуъ-саждаси бор намозда қиқирласа, намози бузилади, лекин таҳорати синмайди; 3) табассум; бу овоз чиқармай жилмайиб кулишдир. Бу билан эса таҳорат ҳам, намоз ҳам бузилмайди.

Демак, балоғатга етмаган гўдак рукуъ ва саждали намозда қаҳқаҳа билан кулса, унинг таҳорати синмайди. Рукуъ-саждасиз намоз бу жаноза ва тиловат саждасидир. Унда қаҳқаҳа билан кулиш дуруст амал ҳисобланмаса ҳам, таҳоратни синдирмайди. Чунки бу хусусда очиқ-ойдин далил йўқ. Шунинг учун қиёсга кўра буларда таҳорат синмайди).

Узрли кишининг таҳорати

Узрли киши ким? Кишининг бавли томиб турса, яъни уни ушлаб туришнинг имкони бўлмаса ёки қорни оғриб ичи кетаётган бўлса ё ел чиқиб туриши билан касалланган бўлса ва ёхуд истиҳожа, яъни касаллик қони келиб турган бўлса, хуллас, шунга ўхшаш киши таҳоратни бузиб турувчи нарсаларга йўлиққан бўлса, шу узри бир вақт фарз намози мобайнида тўхтамаса, у киши узрли ҳисобланади. Аммо кишининг узри бир вақт фарз намози мобайнида тўхтаса, узрли ҳисобланмайди. Масалан, бир кишининг узри пешиннинг аввалида бошланган бўлса ва пешиннинг вақти чиқиб кетгунча тўхтамаса, шу киши узрли ҳисобланади. Кишининг узри аср вақтининг

кириши билан тўхтаб, то чиқиб кетгунча қайталамаса, узрли ҳисобланмайди. Узрли киши учун намозни охириги вақтига олиб бориб ўқиш маъқулдир. Бу унинг узри тўхтаб қолиш эҳтимоли борлиги учундир.

Узрли кишининг ҳукми

Узрли киши ҳар бир намознинг вақти учун таҳорат қилади ва шу таҳорати билан ўша вақтда хоҳ фарз, хоҳ нафл бўлсин, истаганича намоз ўқиши мумкин. Ҳар бир намози учун алоҳида таҳорат қилиши вожиб эмас. Мисол учун, узрли киши ухлаб қолиб бомдодни қазо қилган бўлса, қуёш найза бўйи кўтарилгач, янги таҳорат билан бомдоднинг қазосини ўқийди ва шу таҳорат билан пешинни ҳам ўқий олади, модомики, узрли еридан бошқа жойида таҳоратни синдирувчи амал содир бўлмаган бўлса. Демак, узрли кишининг таҳорати фарз намозини ўқиб бўлиши билан эмас, балки вақтининг чиқиши билан синади. Бомдодга қилинган таҳорат қуёш чиқиши билан, ийд намози учун қилинган таҳорат пешин вақти чиқиши билан синади. Бир киши пешинни ўқиб бўлиб, янги таҳорат олган бўлса, кейин аср вақти кирса, пешиннинг вақти чиққанлиги сабабли таҳорати синади ва яна аср вақти учун алоҳида таҳорат олади.

Узрли кишига вожиб бўлган нарсалар

Узрли киши имкон қадар ўзига зарар етмайдиган даражада узрини тўхтатишга ёки камайтиришга ҳаракат қилади. Мисол учун истиҳожа, яъни касаллик қони оқиб турса, уни тўхтатишга ёки камайтиришга ҳаракат қилади. Агар намозни туриб ўқиганда қон оқиб кетса, ўтириб ўқийди. Агар кийимига узр сабабидан етган нажосатни ювиб ташласа, ўқиётган намозидан фориф бўлмасдан яна кийими нажосат бўлишини билса, уни ювмасдан ўша намозини ўқиб олади. Аммо намозни ўқиб олгунча кийимига нажосат тегмаслигини билса, у нажосат теккан кийимини ювиб олиши вожиб бўлади.

Таҳоратсиз кишига ҳаром бўлган нарсалар

1. Таҳоратсиз кишининг хоҳ нафл бўлсин, хоҳ фарз бўлсин, намоз ўқиши ҳаромдир.
2. Жаноза намозини ҳам бетаҳорат ўқиш ҳаромдир.
3. Сажда тиловатини бетаҳорат бажариш ҳам ҳаромдир, чунки саждада намоз маъноси бор.
4. Таҳоратсиз Байтуллоҳни тавоф қилиш ман этилади. Бунга тавофнинг фарз ёки нафл бўлишининг фарқи йўқ. Чунки тавоф ҳам намоздир. Фақат унда гаплашиш мубоҳ қилингандир. Агар бир киши Байтуллоҳни таҳоратсиз тавоф қилса, ўзи гуноҳкор бўлса ҳам, тавофи дуруст бўлади. Чунки таҳоратли бўлиш тавофнинг дуруст бўлиш шартларидан эмасдир. Лекин тавоф қилиш учун таҳоратли бўлиш вожибдир.
5. Таҳоратсиз кишининг Қуръон китобининг ҳаммасини ёки бир қисмини, агар бир оят бўлса ҳам, ушлаши дуруст эмас. Аммо Қуръон китобининг устида ундан ажраган ғилофи бўлса, ушлаш мумкин бўлади.

Абдор МУХТОР АЛИЙ

НАҚАДАР ГЎЗАЛ БУ ИСЛОМ!

«Ислом»нинг луғатда «тоат, ихлос, бўйсунуш, тинчлик» маънолари бор. Ҳақиқатда Аллоҳ таолонинг итоатида бўлган, Унинг амр-фармонларини бажарган, қайтарганларидан чекинган кишиларгина том маънодаги мусулмон саналади. Аллоҳ таолога соф ихлос ва муҳаббат билан сиғинган, ибодат қилган кишиларгина чин мусулмон саналади. Аллоҳ таолога убудият-бандаликни бажо келтириб, Унга бўйсунган кишиларгина ҳақиқий мусулмон саналади. Ер юзида бузғунчилик қилмай, инсонлар орасини ислоҳ қилиб юрган кишиларгина мусулмон саналади.

Мусулмон иймони билангина бошқалардан ажраб туради. Иймонгина уни олий мақомга чиқаради, саодатга элтади, дунё ҳаётидаги вазифасини белгилайди, охирати учун захира ҳозирлашга чорлайди. Инсон иймони билангина барча махлуқларнинг гултожигга айланади.

Иймон инсоннинг дунё ҳаётидан охират манзилига йўл кўрсатувчи порлоқ маёғи, ҳар бир ишда ҳаракат дастури, барча амалларнинг дебочасидир. иймонсиз киши ўзини ҳар қанча покдомон, софдил, яхши фазилатли кўрсатмасин, инсоният равнақи йўлида қанчалик оламшумул ишларни бажармасин, аллоҳ наздида чивин қанотича ҳам қадр топмайди, охират неъматларидан заррача насиба ололмайди. фақат иймонгина – аллоҳ таолога, унинг фаришталарига, китобларига, пайғамбарларига, қиёмат кунига, ўлгандан кейин қайта тирилишга, қадарга (барча яхшилик ва ёмонлик аллоҳнинг хоҳиш-иродаси билангина содир бўлишига) қатъий ишончгина инсониятни икки дунё саодатига эриштирадиган улўғ илоҳий неъматдир.

Мўминликнинг йўли машаққатли, унинг юки оғир. аллоҳ таоло мўмин кишини ҳар қадамда, ҳар ишда, ҳар сонияда имтиҳон қилади. мушкулотларга солади, қийноқ-азобларга рўпара қилади. минглаб тўсиқ-қийинчиликлар билан ўраб-чирмаб ташлайди. бир лаҳзада яқинларидан айириб қўяди. баъзан бирор хасталик билан синайди ёки аранг қўлга киритган мол-дунёсидан маҳрум қилади. ёхуд кўзлаган ишларига, орзуларига етказмайди. аммо ҳақиқий мўмин бу имтиҳонларга сабр билан жавоб қайтаради. изтироб чекмайди, хафалиқдан кўкрагини захга бериб ётмайди. аллоҳнинг имтиҳонидан бардош ва шукр билан ўтади.

Аллоҳ мўминни фақат булар билангина синовга солмайди. Мўминлар дунё ҳаётида ҳаммиша азоб-мушкулотлар тўлқинида сузишга мажбурдирлар. Маккада қанча қийноқ, камситиш, тазйиқларни бошдан кечирган илк мусулмонларга осон бўлган дейсизми? Расулulloҳ соллаллоху алайҳи васаллам билан Мадинага ҳижрат қилган, уй-жой, мол-мулки, қариндош ва яқинларини ташлаб бегона шаҳарга кўчган муҳожирларга осон бўлган дейсизми? Кейинги асрларда золим ва мустабид босқинчилар қўл остида ҳам дину диёнатларини асраб

қола олган мўминларга осон бўлган дейсизми?

Аллоҳ таолонинг мўминларни синовдан ўтказиши булар билангина чекланмайди. Аллоҳ уларга бир неча хил ибодатни, Ўзига итоатни буюриб қўйган. Бунинг ҳам турган-битгани қийинчилик, машаққат! Роҳат-фароғатдан воз кечибгина Унинг розилигига эришасиз. Тонг саҳарда ширин уйқуни тарк этиб, оромингизни бузиб намозга турасиз. Совуқда дийдираб таҳорат оласиз. Анча йўл босиб, қоронғида туртиниб-суртиниб масжидга борасиз.

Рўза тутиш ҳам бундан осонмас! Атрофингизда қанчалаб одам ошхоналарни тўлдириб, анвойи таомларни еб кекириб ёки тамаки бурқситиб юрганида сиз вужудингизни емоқ-ичмоқдан, лаззатлардан қайтарасиз, тиясиз. Дилингизни, тилингизни, танингизни фақат эзгуликка буюрасиз.

Ёки ҳажни олиб кўринг: ҳам пулингиз кетади, ҳам танангиз қийналади, ҳам Арабистоннинг чидаб бўлмас иссиғига, ҳаж машаққатларига бардош беришингиз керак. У ерда мавқеингиз, обрўйингиз, мансабингиз, насабингиз, бойлигингиз билан ҳеч ким ҳисоблашмайди, туртиб-суртиб кетаверади. Чунки у ерда шоҳ ҳам, гадо ҳам бир хил кийимда, бир хил мақомда бўлади.

Закот беришни ҳам осон деб ўйлайсизми? Меҳнат билан ишлаб топган молдан бир улушини дилдан чиқариб, ўз ихтиёри билан муҳтожларга, фақир-мискинларга ялиниб элтиб бериш ҳаммага ҳам ёқавермайди. Аммо мўмин киши Аллоҳнинг буюрганига сўзсиз итоат қилади. Унинг буйруқларини бажаради. Чунки у дунё ҳаёти лаззат, зийнат ва фароғат билан, охират дунёси эса машаққат, қийинчиликлар билан ўраб қўйилганини яхши билади.

Мўминлик осон эмас. Инсон фитрати, табиати ҳаммиша роҳат, фароғат, ором истайди. Нафси минг қўйга солади. Ана шуни енга олган чинакам мўминдир. Роҳатидан кечиб, нафсини қон қақшатиб қийнаган, меҳнат, машаққат, ибодатларга чидаган кишигина мумтоз қул бўлади. Аллоҳ Ўз ҳикматига кўра куфрни, иймонсизликни осон, мўминликни қийин қилиб қўйган. Шунинг учун дунёда кофир, осий кўп, мўмин ва солиҳ инсон оз.

Инсониятни иймон билан шарафлаган Ислом шунчалик улўғ динки, бошқа дин ва мафкураларга кишилар зўрлаб ёки нималардир ваъда қилиниб ёхуд қўрқитиб ё алдаб киритилгани ҳолда ҳатто бошқа эътиқоддагилар ҳам Исломга ўз ихтиёрлари, истаклари, иймонлари билан кириб келишяпти.

Чунки дунёда фақат мусулмонларгина Аллоҳнинг ягона Ўзига ибодат қилишади. Бошқа барча дин ва мафкураларнинг издошлари кимгадир ёки нимагадир (масалан, бутга, ҳайвонларга, қуёш, ой-юлдузлар, ҳатто ўзларига ўхшаган инсонларга) сиғиниб, ўша нарсалардан ёрдам ва марҳамат кутиб ётган дунёда

фақат мусулмонларгина Аллоҳ таолога бошқа ҳеч нарсани шерик қилишмайди. Дунёда фақат мусулмонларгина Аллоҳни қўйиб, баъзилари баъзиларини «робб», «илоҳ» қилиб олишмайди.

Ислом бандаларни бандага сиғинишдан Аллоҳга сиғинишга олиб чиққан ягона дин ва тузумдир!

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф таъбирлари билан айтганда: «Аллоҳ таоло ягона бўлганидан кейин ақида ҳам битта бўлиши керак. Ҳақиқатан ҳам у битта, яъни Ислом ақидасидир. Аллоҳ таоло якка-ягона бўлганидан кейин дин ҳам битта бўлиши керак. Дарҳақиқат у битта, яъни Ислом динидир. Ислом – бандаларнинг ёлғиз Аллоҳ таолога сўзсиз батамом бўйсунидир. Ислом – бандаларнинг фақат Аллоҳ таолога тўлиқ ибодат қилишидир. Ислом – бандаларнинг фақат Аллоҳ таоло кўрсатган йўлдан чекинмай юришидир. Ислом – бандаларнинг фақат Аллоҳ таолони сиғинишга ва ибодат қилишга сазовор Зот деб тан олишидир. Ислом – бандаларнинг фақат Аллоҳ таолони ўзлари устидан ягона ҳукмдор деб тан олишларидир».

Ислом барча замонларнинг ва ҳамма умматларнинг рисолатидир. Олдин ўтган пайғамбарларники каби муайян аср, баъзи замонларгагина тегишли муваққат рисолат эмас. Исломгача барча пайғамбарлар маҳдуд бир замонга юборилган бўлса, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам қиёматга қадар боқий бир рисолат эгаси, пайғамбарларнинг охиргиси, якунловчисидирлар. Исломдан кейин бошқа бир шариат келмайди. Қуръони каримдан сўнг бошқа китоб нозил бўлмайди. Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломдан кейин бошқа пайғамбар келмайди.

Ислом бир уммат ёки замон билан чегараланмаган экан, демак, бирор макон, ё миллат, ёки халқ, ё худ табақа билан ҳам чегараланган эмас.

Ислом барча миллатлар, жинслар, халқлар ва табақаларга баравар хитоб қиладиган кенг қамровли умумий бир диндир.

Ислом Аллоҳнинг «мухтор халқи» деб билинган айрим халқларнинг рисолати эмас, балки бутун инсоният ҳаётининг ҳамма томонларини қамраган, инсоннинг бутун борлигини ўз ичига олган ягона диндир.

Ислом Ернинг барча иқлимларини ўзига бўйсундириш ва барча бойликларни талашни шарт қилиб олган муайян бир иқлимнинг рисолати эмас, балки Ер юзининг барча минтақаларида мислсиз адолат ва ҳурриятни жорий қилувчи ягона диндир.

Ислом бошқа табақаларни ўз манфаатига, хоҳишига бўйсундиришни кўзлаган камбағал ё бойнинг, кучли ё кучсизнинг, умуман муайян бир табақа ёки синфнинг рисолати эмас, балки ҳамма миллат ва табақалар ўртасида тенглик ва тотувликни ихота қилувчи, барча дунё ва охират ишларини қамровчи улўф бир диндир.

Ислом инсоннинг руҳи қолиб ақлининг, жисми қолиб руҳининг ёки туйғулари қолиб қуруқ фикрининг рисолати эмас, балки у инсоннинг бутун борлиғи – руҳи ва ақли, жинси ва замири, иродаси ва виждонининг рисолатидир, ҳар бир инсоннинг, дунёдаги барча комил инсонларнинг динидир.

Ислом уммати ана шу рисолат ила шарафланган, бу рисолатга ҳамиша содиқ қолишга байъат берган, бу рисолатни асрлар оша бутун инсониятга етказишга ва-зифаланган саодатманд умматдир.

Умматларнинг энг мўътабари, сараси ва олийи Ислом умматидир. Умматларнинг йўлбошчиси, бутун инсониятга ибрат бўладигани, бошқа инсонлар эргаштирадигани ҳам Ислом умматидир. Умматларнинг энг пешқадами, афзали ва собитқадами ҳам Ислом умматидир. Чунки Аллоҳ таоло «Сиз одамлардан чиққан энг яхши уммат бўлдингиз» (Оли Имрон, 110) деган.

Бу умматнинг Китоби Аллоҳ таолонинг мўъжиза каломидир, Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом орқали бутун инсониятга индирилган илоҳий дастурдир, ҳукми қиёматгача амалда бўладиган ва ақлларни лол қолдирадиган Қуръони каримдир. Аввалги самовий китоблар инсонлар томонидан ўзгартирилиб, қўшимчалар қилиниб аслиятдан узоқлаштириб юборилгани ҳолда Қуръони каримни қиёматгача бирор ҳарфини ўзгартирмасдан муҳофаза қилишни Аллоҳ таоло зиммасига олган.

Бу умматнинг Пайғамбари Муҳаммад алайҳиссалом ҳозиргача тарих кўрган барча пайғамбарларнинг энг аъло-сидирлар. Бу зот бутун инсониятга йўлбошчи ўлароқ юборилган Коинот сарвари ва фаҳри, инсонларнинг энг афзали ва комили, мусулмонларнинг қиёматдаги шафоатчиси, Аллоҳ таоло юборган пайғамбарларнинг энг сўнггисидирлар.

Бу умматнинг ҳатто қибласини ҳам Аллоҳ таоло дунёдаги энг афзал қибла қилиб қўйган. Қибламиз саналган Каъба Ер куррасининг қоқ киндигида, қуруқликнинг айни марказида, заминнинг энг табарруқ ва муқаддас бир ерида жойлашганини ҳатто ғайримуслим олимлар ҳам тан олиб ёзишга мажбур бўлишган.

Ислом дини инсонларнинг бир-бирларидаги ҳақларидан тортиб, жамиятдаги муносабатларнинг ҳамма қирраларигача шуғулланади, ислоҳ қилади. Инсонлар ҳаётининг бирор соҳаси йўқки, у ерга Ислом кириб бормаган бўлсин. Кишилиқ жамиятининг бирор муаммоси йўқки, Ислом уни ҳал этиб бормаган бўлсин.

Ислом иймон ва куфрни, яхши ва ёмонни, ҳалол ва ҳаромни фарқлаб беради. У фарзандни қандай эми-зишдан тортиб, марҳумни қандай дафн этишгача, ме-росни қандай тақсимлашдан тортиб, етимлар ҳаққини ҳимоялашгача, жониворларни қандай овлашдан тортиб, уй ҳайвонларини қандай сўйишгача, ота-онани қандай ҳурматлашдан тортиб, бемордан қандай ҳол сўрашгача, қандай кийинишдан тортиб, қандай еб-ичишгача, қандай олди-сотди қилишдан тортиб, қўшни билан қандай муносабат ўрнатишгача – ҳамма нарсани қамраб олган. Динимиз аралашмайдиган, ислоҳ қилмайдиган, таъсир ўтказмайдиган, муносабат бил-дирмайдиган бирор соҳанинг, ҳатто энг майда-чуйда нарсанинг ўзи йўқ.

Беҳзод АБДУРРАШИД.
(Давоми бор)

АБДУЛЛОҲ ИБН ЖАЪФАР



Бу саҳобийнинг тўлиқ исмлари Абдуллоҳ ибн Жаъфар ибн Абу Толиб ибн Абдулмуттолиб ибн Ҳошим ибн Абду Маноф Қураший ал-Ҳошимийдир. У киши Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг амакиваччалари Жаъфар ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳунинг ўғилларидир. Абдуллоҳ ибн Жаъфар розияллоҳу анҳунинг оналари эса, машҳур саҳобия Асма бинт Умайс розияллоҳу анҳодир.

Абдуллоҳ ибн Жаъфар розияллоҳу анҳунинг оналари Ҳабашистонга ҳижрат қилган эдилар. Аллоҳ таоло уларга динларини сақлаб қолиш учун қилган ҳижратлари давомида ўғил фарзанд берди. Бу фарзандни Абдуллоҳ деб номлашди. Абдуллоҳ ибн Жаъфар розияллоҳу анҳу Ҳабашистонда туғилган биринчи мусулмон фарзанд бўлдилар. Вақти-соати етиб Ҳабашистонга ҳижрат қилган мусулмонларга бошлиқ бўлган Жаъфар ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳу Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам Хайбар урушидан чиққан пайтларида ўз шериклари билан Мадинаи Мунавварага етиб келганларида у ки-

шининг ўғли Абдуллоҳ ибн Жаъфар розияллоҳу анҳу ҳам оиланинг бош-қа аъзолари қатори улар билан бирга эди.

Абдуллоҳ ибн Жаъфар розияллоҳу анҳунинг кичик бўлатуриб назарга тушишларига буюк оталарининг Мута жангида Ислом лашкарига бош бўла туриб, қаҳрамонларча шаҳид бўлганлари сабаб эди. Узоқ-узоқларда Мута деган жойда душман билан жанг олиб бораётган Ислом лашкарининг хабари ўша вақтнинг ўзида Мадинаи Мунавварада тарқаб турар эди. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам Мадинаи Мунавварадаги саҳобаларига Мутадаги жанг майдонида бораётган тўқнашув ҳақида бирма-бир хабар бериб турар эдилар.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам атрофларида турганларга: «Байроқни Зайд олди. У мусибатга учради. Байроқни Жаъфар олди. У ҳам мусибатга учради. Энди байроқни Ибн Равоҳа олди. Сўнг у ҳам мусибатга учради», дер ва кўзларидан дув-дув ёш тўкилар эди.

У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам Жаъфар ибн Абу Толиб ҳақида: «Аллоҳ унинг икки қўли бадалига икки қанот берди. Улар билан у жаннатда учиб юради», дедилар. Шунинг учун ҳам Жаъфар розияллоҳу анҳу «Жаъфари тайёр» (учувчи) ва «Икки қанот соҳиби» деб аталади.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Жаъфарнинг хотинига: «Менга Жаъфарнинг болаларини олиб кел», дедилар. Улар ҳозир бўлганларида кучиб ҳидладилар ва кўзларидан дув-дув ёш тўкиб Жаъфар розияллоҳу анҳунинг шаҳид бўлганлари хабарини айтдилар. У зот ўз аҳлларига: «Жаъфарнинг оиласи учун таом тайёрланглар, уларни машғул қиладиган нарса келди», дедилар. Ҳазратнинг юзларини маҳзунлик қоплаб олган эди.

Мута жангидан қайтиб келаётган лашкар Мадинаи Мунавварага яқинлашганда одамлар уларни кутиб олиш учун шаҳар ташқарисига чиқа бошлашди. Кутиб олувчиларнинг бошида Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўзлари бор эдилар. Биринчи бўлиб ёш болалар олдинга интилишди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам улов миниб олган эдилар. У зот одамларга қараб: «Ёш болаларни кўтариб олинглар! Менга Жаъфарнинг ўғлини беринглар!» дедилар. Одамлар Жаъфар розияллоҳу анҳунинг ўғли Абдуллоҳни олиб келдилар. У зот уни олиб, олдиларига ўтқазиб олдилар.

Мусулмонлар Ислом лашкарининг шонли зафарларига ўрганиб қолишган эди. Шунинг учун ҳам Мутадаги уруш уларга Ислом лашкарининг мағлубияти бўлиб кўринди. Улар қайтиб келаётган жангчилар устидан тупроқ сочиб: «Қочқоқлар! Аллоҳнинг йўлида қочдинглар!» деб бақира бошлашди. Шунда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Йўқ! Улар, иншааллоҳ, қайта ҳужум қилувчилар», дедилар. Ана ўшандан бошлаб Абдуллоҳ ибн Жаъфар розияллоҳу анҳу кичкина бола бўлишларига қарамай, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг эътиборидаги кишилардан бирига айландилар.

Абдуллоҳ ибн Жаъфар розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам сафардан келсалар, ўз аҳли байтлари болалари ила қарши олинар эдилар. Бас, у зот бир сафардан келганларида мени аввал қаршиларига олиб борилди. Бас, у зот мени олдиларига ўтқазиб олдилар. Сўнгра Фотиманинг икки ўғлидан бири олиб келинди. У зот уни ортларига мингаштириб олдилар. Биз уч киши бир улов устида Мадинага кириб бордик» (Имом Муслим ва Термизий ривоят қилишган).

Бунда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам отасидан ёш етим қолган Абдуллоҳ ибн Жаъфар розияллоҳу анҳунинг кўнгли учун ўзларининг маҳбуб набиралари Имом Ҳасан ва Имом Ҳусайнлардан бирларини ортларига мингаштириб, Абдуллоҳ ибн Жаъ-

фарни олдиларида олиб, Мадинагача кириб борганлари кўриниб турибди. Абдуллоҳ ибн Жаъфар розияллоҳу анҳунинг ўзлари эса худди шу ҳолатни ўзларига фахр ва эъзоз учун арзийдиган нарса деб билмоқдалар.

Имом Асқалоний раҳматуллоҳи алайҳ «Исоба» китобларида Абдуллоҳ ибн Жаъфар розияллоҳу анҳудан қуйидаги ривоятни қиладилар: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бошимни силадилар ва: «Эй Аллоҳим, Жаъфарнинг ўрнига боласини ўринбосар қилгин», дедилар. Ўйнаётган эдик, у зот олдимиздан ўтаётиб, мени кўтариб, олдиларига миндириб олдилар».

Яна «Исоба»да Абдуллоҳ ибн Жаъфар розияллоҳу анҳудан қуйидагилар нақл қилинади: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Абдуллоҳ хулқимга ва халқимга ўхшайди», дедилар. Сўнгра қўлимдан ушлаб туриб: «Эй Аллоҳим, Жаъфарга аҳлида Ўзинг халаф бўлгин. Абдуллоҳга қўлида тутган нарсасини баракали қилгин», дедилар».

Имом Бағавий Амр ибн Ҳарисдан ривоят қилади: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам болалар қуршовида савдо қилиб турган Абдуллоҳ ибн Жаъфарнинг олдидан ўтдилар ва: «Аллоҳим, унинг савдосига барака бергин», дедилар».

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Рафиқи Аълога интиқол қилганларида Абдуллоҳ ибн Жаъфар розияллоҳу анҳу ўн ёшда эдилар.

Абдуллоҳ ибн Жаъфар розияллоҳу анҳу Сиффин уруши куни ҳазрати Али розияллоҳу анҳунинг қўмондонларидан бири бўлганлар.

У киши барча яхши фазилатларни ўзларида мужассам қилган ҳолда ўсиб улғайдилар. Абдуллоҳ ибн Жаъфар розияллоҳу анҳу ўта ҳалим, кечиримли ва сахий одам бўлганларини уламоларимиз алоҳида таъкидлашади. Ривоят қилинишича, Зубайр ибн Аввом розияллоҳу анҳу Абдуллоҳ ибн Жаъфар розияллоҳу анҳудан бир миллион дирҳам қарз олган экан. Зубайр розияллоҳу анҳу шаҳид бўлганларидан ке-йин у кишининг ўғиллари Абдуллоҳ ибн Зубайр розияллоҳу анҳу Абдуллоҳ ибн Жаъфар розияллоҳу анҳуга: «Мен отамнинг ёзганларини қарасам, сенда бир миллион ҳаққи бор экан», деди. «У тўғри айтибди. Қачон хоҳласанг, маблағни олишинг мумкин», деди Абдуллоҳ ибн Жаъфар розияллоҳу анҳу. Бир муддат ўтгандан сўнг икковлари яна учрашиб қолганларида Абдуллоҳ ибн Зубайр розияллоҳу анҳу: «Мен адашибман. Мол сенинг ундаги ҳаққинг экан», деди. «Майли, мол уники бўлсин», деди Абдуллоҳ ибн Жаъфар розияллоҳу анҳу. «Мен буни хоҳламайман», деди Ибн Зубайр. «Ихтиёр сенда, хоҳласанг мол уники бўлсин, хоҳламасанг, беришни истаганинча ортга суришинг мумкин. Буни ҳам хоҳламасанг, унинг молидан истаганинча менга сот», деди Ибн Жаъфар. «Сенга сотаман. Аммо олдин бир чамалаб

олай», деди Ибн Зубайр ва бориб молларни чама-лаб кўрди. Кейин Абдуллоҳ ибн Жаъфар розияллоху анхунинг олдига келиб: «Сен билан менинг орамизда биров бўлмастлигини истайман», деди. «Кетдик!» деди у. Улар мол турган жойга боришди. Ибн Зубайр унга иморати йўқ, қаровсиз қолган бир ерни пулга бичиб берди. У бу ишларни қилиб бўлганидан кейин Абдуллоҳ ибн Жаъфар розияллоху анху ғуломига: «Жойнамозни шу ерга сол», деди. У ўша ердаги энг ноқулай жойга жойнамозни солиб берди. Абдуллоҳ ибн Жаъфар розияллоху анху икки ракат намоз ўқиб, сажда қилди. Саждада дуо қилиб узоқ турди. Дуони қилиб бўлганидан кейин ғуломига: «Сажда қилган жойимни қазини», деди. У қазини эди, булоқ оқиб чиқа бошлади. Ибн Зубайр унга: «Буни менга бер», деди. «Дуоимни ва Аллоҳнинг менга ижобат қилганини сенга бермайман», деди Ибн Жаъфар. Кейинчалик унинг ери Ибн Зубайрнинг еридан ободроқ бўлиб кетди».

Ушбу ривоятдан Абдуллоҳ ибн Жаъфар розияллоху анху молу пулнинг юзига қарамайдиган, ҳар қанча катта маблағни ҳам ўйлаб ўтирмай баҳридан ўтиб юбораврадиган мард одам бўлиш билан бирга Аллоҳ таолога қурбат ҳосил қилган, ибодатда олий мартабаларга эришган ва дуоси мақбул зот эканлари кўриниб турибди.

Ибн Абу Дунё ва Хароитий Мухаммад ибн Сирин розияллоху анхундан ривоят қилишади: «Аҳли саводнинг (форсларнинг) қишлоқ оқсоқолларидан бири Абдуллоҳ ибн Жаъфар розияллоху анхундан ҳазрати Али розияллоху анхуга ҳожатини етказишни сўради. Абдуллоҳ ибн Жаъфар розияллоху анху ҳазрати Али розияллоху анхуга гапириб, унинг ҳожатини чиқариб берди. Қишлоқ оқсоқоли унга қирқ минг юборди. Буни оқсоқол бериб юборди, дейишди. У олмай қайтарди ва: «Биз амали солиҳимизни сотмаймиз», деди».

Абдуллоҳ ибн Жаъфар розияллоху анхунинг ҳазрати Али розияллоху анхунинг ҳузурларида обрўлари катта эди. У киши Абдуллоҳ ибн Жаъфар розияллоху анхунинг гапларини қайтармас эдилар. Шу билан бирга, у кишининг назарларида пулу молдан кўра ажру савоб қимматли ҳисобланар эди.

Имом Тобароний ва Байҳақий Ториқ ибн Исҳоқ Моликийдан ривоят қиладилар: «Язид ибн Муовия Абдуллоҳ ибн Жаъфар розияллоху анхуга жуда кўп молни ҳадя қилди. У киши ўша молни Мадина аҳлига тарқатиб берди. Ундан бирор нарсани уйига киритмади».

Абдуллоҳ ибн Жаъфар розияллоху анху ўта карамли, сахий, хушхулқ, ифбатли ва гўзал инсон эдилар. Кишилар у кишини «сахийлик денгизи» деб аташар эди. Баъзи уламоларнинг айтишларича, Ислонда у кишидан кўра сахийроқ зот бўлмаган экан. Абдуллоҳ ибн Жаъфар розияллоху анхуни

ўта сахийликлари учун итоб қилишганида, у киши: «Аллоҳ мени бир одатга ўргатган. Мен одамларни бир одатга ўргатганман. Агар мен улардан кесиб қўйсам, мендан ҳам кесилиб қолишдан қўрқаман», деган эканлар. Яъни, Аллоҳ таоло Ўз Пайғамбари соллаллоху алайҳи васалламнинг дуоларини қабул қилиб, Абдуллоҳ ибн Жаъфар розияллоху анхуга баракали молу дунё берган. Абдуллоҳ ибн Жаъфар розияллоху анху эса, ўша Аллоҳ таоло берган молни муҳтожларга бериб, уларни ўзларига ўргатиб қўйганлар. Абдуллоҳ ибн Жаъфар розияллоху анху одамларга хайр-эҳсон қилиб турсалар, Аллоҳ таоло ҳам у кишига молу дунё бериб туради. Бўлмаса, йўқ.

Насиб исмли шоир Абдуллоҳ ибн Жаъфар розияллоху анхуни мадҳ қилганда у киши шоирга кўплаб туя, от, кийим, динор ва дирҳамлар берган эканлар. Шунда одамлар: «Бу қорага шунча нарса берасанми?!» дейишганида: «Бунинг ўзи қора бўлса ҳам, шеъри оқ. У айтган нарсаси билан олган нарсасидан кўра кўпроққа ҳақли бўлди. Биз унга тезда тугаб кетадиган нарсадан бошқа нарсани берганимиз йўқ. У эса бизга ривоят қилинадиган мадҳни ва боқий қоладиган мақтовни берди», деган эканлар.

Абдуллоҳ ибн Жаъфар розияллоху анху Муовия ибн Абу Суфён розияллоху анхунинг олдига борсалар, ўз уйларига туширар, ўзига яраша иззат-икром кўрсатар эди. Ҳазрати Муовия ибн Абу Суфён розияллоху анхунинг бу ишлари хотинлари Фохита бинт Қаразага ёқмас эди. У аёл Абдуллоҳ ибн Жаъфар розияллоху анхунинг ҳақларида баъзи гапларни айтиб юборар эди. Бир кеча ярмидан ўтиб охирлашиб қолганда Муовия ибн Абу Суфён розияллоху анху Абдуллоҳ ибн Жаъфар розияллоху анхунинг қироатларини эшитиб қолдилар. У киши бориб хотинлари Фохитани уйғотдилар ва, мана буни эшитиб қўй, дедилар.

Абдуллоҳ ибн Жаъфар розияллоху анху сел йили, саксонинчи санада Мадинаи Мунавварада вафот этдилар. Ўша пайтда Мадинаи Мунавваранинг амири Абон ибн Усмон розияллоху анху эди. У киши Абдуллоҳ ибн Жаъфар розияллоху анхунинг ювишга ва кафанлашга ўзлари бош бўлдилар. Жасаднинг атрофида катта издиҳом бор эди. Абон ибн Усмон розияллоху анху тобутни икки сопи ўртасидан кўтариб борди. У киши Бақийъга етиб боргунча бировга бермадилар. Абон ибн Усмон розияллоху анху қабристонда икки кўзларидан оққан ёш юзларини ювиб туриб: «Аллоҳга қасамки, сен яхши эдинг. Ёмонлигинг йўқ эди. Аллоҳга қасамки, сен шариф, зариф ва асил эдинг», дер эди. Аллоҳ таоло Абдуллоҳ ибн Жаъфар розияллоху анхундан рози бўлсин.

(“Ҳадис ва Ҳаёт” китоби асосида тайёрланди).

ҚЎРҚУВ ВА УМИД ЧОРРАҲАСИДА

Ислом динининг мукамаллиги унинг ҳар бир жабҳада, ҳар бир ўринда инсоннинг нафақат ташқи ҳаёти, балки ички оламига ҳам алоҳида эътибор бериши, унинг қалбига хитоб қилишида янада яққол кўринади. Башарият тарихида инсоннинг ички олами, руҳиятини ўрганиб, уни тўғри йўналтиришга кўплаб ҳаракатлар қилинган ва қилинмоқда. Бу борада руҳшунос, файласуф ва мутафаккирлар озмунча меҳнат қилишмаган. Аммо бу борада Исломнинг тутган ўрни билан таққослаб кўрилса,

инсонлар ўзларича топган барча натижалар Ислом таълимотлари олдида худди кўёш чиққанда юлдузлар ғойиб бўлгани каби умуман кўринмай кетади. Бу маънода Исломда кўпроқ қалб илми уламолари, тасаввуф машойихлари йўлбошчи бўладилар. Улар Қуръони Карим оятлари ва ҳадиси шарифларда келган инсон қалбини тарбиялашга оид маъноларни бизга тушунтириб берадилар. Улар мазкур манбалар асосида ва ўз тажрибаларидан келиб чиқиб, бу борада жуда қимматли кўрсатмаларни, хулосаларни тақдим этадилар.

Ислом таълимотида қалбга доир таълимотлар ичида энг кенг тарқалган, таъкидланган тушунчалар бу – «хавф-ражо» тушунчаларидир. «Хавф» – келажакдан қўрқиш, «ражо» – келажакка умидворликдир. Хавф Аллоҳ талонинг бандага келажакда итоб ва азоб қилишидан қўрқиш бўлса, ражо У Зотнинг фазлу марҳаматидан умидвор бўлишдир. Чуқурроқ мулоҳаза қилинса, бу тушунча инсон ҳаёти учун нақадар муҳим, ҳикматга тўла эканини кўриш қийин эмас. Агар етарли тушуниб етилса, мана шу назариянинг ўзи инсонни тўғри ҳаёт кечиришга ундаш учун етарлидир.

Хавф-ражо ҳақида уламолар, хусусан, тасаввуф машойихлари кўп ва хўп гаплар айтишган. Аммо уларни асл манба – Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадислари орқали ўрганишнинг алоҳида аҳамияти

ва манфаатлари бор. Келинг, биз ҳам хавф-ражо зилол сувини ўша набавий булоқлардан бир сипқорайлик. Ҳадисларнинг жозибасини, руҳини сақлаш мақсадида уларни батафсил шарҳлаб ўтирмай, қисқача изоҳлаш билан чекланамиз.

Буюк ватандошимиз имом Бухорий ўзларининг «Саҳиҳ»ларида қуйидаги ҳадисларни ривоят қиладилар: Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: «Ўзига нисбатан ҳаддан ортиқ жиноят қилган бир киши бор эди. Унга ўлим келганида ўғилларига: «Вақти етиб ўлсам, мени куйдиришлар, сўнг янчиб, шамолга сочиб юборинглар. Аллоҳга қасамки, агар Роббим мени тутса, шубҳасиз, ҳеч кимни азобламаган бир азоб билан азоблайди», деди. Кейин у ўлганида айтган нарсалари қилинди. Шунда



Аллоҳ ерга амр қилиб: «Ўзингдаги ундан бўлган нарсаларни жамла», деди. У шундай қилган эди, бирдан у (одам) тик бўлиб турди. Шунда У Зот: «Бу қилмишингга сени нима мажбур қилди?» деди. У: «Эй Роббим, Сенинг қўрқинчинг», деди. Шунда У Зот уни мағфират қилди».

Ушбу ҳадисни имом Бухорий бир неча лафзда келтирган. Уни бошқа муҳаддислар ҳам ривоят қилишган. Бу борадаги ҳадислар ўрганиб чиқилса, қуйидагича хулоса келиб чиқади: Ўтган умматлар ичида бир кафан ўғриси бўлган экан. У умр бўйи ўликларнинг кафанини ўғрилаб тирикчилик қилибди. Аммо унинг қалбида тавҳид – ёлғиз Аллоҳга бўлган иймон яхши ўрнашган экан. Ҳаёти охирида, кўзига ўлим кўринганда қилган ишларидан қаттиқ надомат қилибди. Аллоҳнинг азобини ўйлаб, даҳшатга тушиб, ҳатто ақлдан озаёзибди. Энди қилган ёмонликларини яхшилик билан ювишга етарли имконияти қолмаганига кўзи етгач, нима қилишини билмай, ўғилларига васият қилибди: «Ўлганимдан кей-

ин куруқ суюгим қолгунича мени ўтда ёқинлар. Кейин устихонларимни тўйиб-янчиб, толқонини дарёга олиб бориб, шамол турган вақтда ҳавога сочиб юборинглар. Чунки агар Аллоҳ мени тутса, гуноҳим кўплигидан мени шундай азоблайдики, ҳали бирор кишини бундай азобламаган».

У одам ўта жоҳиллигидан ана шундай қилиб Аллоҳнинг азобидан қутилиб қолмоқчи бўлади. У ўзича Аллоҳ мени зарраларимни жамлай олмайди деб ўйлайди. Фарзандлар отанинг васиятини бажаришди. Аммо Аллоҳ таоло бир амр билан унинг зарраларини жамлади ва бус-бутун ҳолида тирилтирди. У эса Аллоҳнинг ҳузурда ҳайрону лол бўлиб турар эди. Шунда Аллоҳ ундан: «Эй бандам, нега бундай қилдинг?», деб сўради. У: «Эй Роббим, Сендан қаттиқ қўрққанамдан шундай қилдим. Сенинг қўрқинчинг, хавфинг мени шу ишни қилишга олиб борди», деди.

Шу пайт Аллоҳнинг фазлу марҳамати жўш урди. Бандасининг ҳолига раҳми келди. У Зотнинг азобига тўла ишонгани ва У Зотдан қаттиқ қўрқганини эътиборга олиб, Ўз фазли билан уни мағфират қилди. Аллоҳнинг азобидан бўлган қўрқинч сабабли ақл-ҳуши учиши натижасида қилган мазкур нотўғри тасарруфни ҳам кечирди.

Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: «Бир аёл бир мушукни очликдан ўлгунича қамаб қўйгани сабабидан азобланди. Ўшани деб дўзахга кирди». У (дўзах посбони Молик ёки Аллоҳ таоло): «Сен уни қамаб қўйган пайтингда унга на овқат бердинг, на сув ичирдинг ва на ер жониворларидан ейиши учун қўйиб юбординг!» деди».

Бу аёл асли Бану Исроиллик бўлган. Унинг кофир ёки мусулмонлиги аниқ эмас. Ҳарқалай, ҳадисда айтилишича, у бир мушукни қийнаб, ўлдиргани сабабли Аллоҳнинг азобига қолиб, дўзахга тушган экан. У мушукка раҳм қилиши керак эди. Бордию, мушукни назарига илмаган тақдирида ҳам, уни яратган Зотнинг мулоҳазасини қилиши керак эди. Аммо у Аллоҳнинг бир бегуноҳ махлуқини бекорга азоблаб, У Зотнинг ғазабига дучор бўлди. Бир мушукни азоблаш билан уни яратган Зотга озор берди. Аллоҳнинг махлуқини азоблаган эди, Аллоҳнинг азобига йўлиқди. Демак, киши биргина хатоси сабабли Аллоҳнинг азобига қолиб, дўзахга тушиши ҳеч гап эмас экан.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ташналикдан ўлаётган бир ит қудуқнинг атрофида айлаётган эди, баногоҳ бану исроиллик фоҳишалардан бири уни кўриб қолди-да, пойабзалини ечиб, уни суғорди. Шу сабабли у мағфират қилинди», дедилар».

Ҳа, у аёл ўзи бузуқ эди. Аммо Аллоҳ таолонинг бир бечора махлуқига беминнат ёрдам кўрсатди. У бу ишида Аллоҳдан бошқадан мукофот кутмаган эди. У итдан раҳмат эшитишни ёки бирор манфаат кўришни кўзламаган эди. Унинг ушбу ихлоси муносиб тақдирланди. Аллоҳнинг махлуқларидан бирига раҳм қилган эди, Аллоҳ ҳам унга раҳм қилди, гуноҳларини

мағфират қилди. Демак, киши ихлос билан қилган биргина амали Аллоҳнинг ҳузурда қабул бўлиб, шу сабабли унинг барча гуноҳлари мағфират қилиниши мумкин экан.

Абу Саъид Худрий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: «Бану Исроил ичида тўқсон тўққизта одамни ўлдирган бир киши бор эди. Кейин у (шу ҳақда) сўраш учун йўлга чиқди ва бир роҳибнинг олдига келиб, ундан: «Бирор тавба қилиш (имкони) борми?» деб сўради. У: «Йўқ», деди. Шунда у буни ҳам ўлдирди-да, яна сўрашга тушди. Унга бир киши: «Фалон қишлоққа бор», деди. Унга ўлим етганида, у кўкси билан ўша (қишлоқ) томонга талпинди. Кейин раҳмат фаришталари билан азоб фаришталари унинг хусусида таллашиб қолишди. Шунда Аллоҳ (қишлоқларнинг) анави-сига «яқинлаш», деб ваҳий қилди ва манависига эса «узоклаш», деб ваҳий қилди ҳамда: «Улар орасидаги масофани ўлчанглар», деди. Шунда у анави-сига бир қарич яқинроқ топилди ва мағфират қилинди».

Ҳадисларга кўра, воқеанинг тафсилоти қуйидагича бўлган: жаҳолат ботқоғига ботган, бузғунчиликка тўлган бир жамиятда туғилиб-ўсган бир киши бор эди. У ўша муҳитнинг таъсирида умри бўйи кўп қотиллик содир этди. Бир куни қалб кўзи очилиб, қилган ишлари хато эканини тушуниб етди ва гуноҳларидан қаттиқ надомат чекди. Астойдил тавба қилиб, яхши йўлга юриш мақсадида бир роҳибни топиб бориб, ундан: «Мен тўқсон тўққизта одамни ўлдирдим. Энди қандай қилиб тавба қилсам бўлади?» деб сўради. Роҳиб унга кескин рад жавоби бериб: «Сенинг гуноҳинг кечирилмайди, сенга тавба имкони йўқ», деди. Шунда ҳалиги одам аччиғидан уни ҳам ўлдирди. Кейин чиқиб, бошқа бир олим кишини қидириб топди ва унга: «Мен юзта бегуноҳ инсонни ўлдирдим, қандай қилиб тавба қилсам бўлади?», деди. Шунда олим: «Бунинг фақат бир иложи бор. Фалон қишлоққа борасан, у ерда тақводор, олиму обид кишилар бўлиб, сен ҳам энди қолган умрингни улар билан бирга Аллоҳга ибодат қилиб ўтказасан ва юртингга қайтиб келмайсан, чунки сенинг шаҳринг ёмон жой», деди.

Жами юзта бегуноҳ инсоннинг қонини тўккан ҳалиги одам бу гапни эшитди-ю, барча нарсасини ташлаб, дарҳол ўша қишлоқ томон йўлга чиқди. У бутун вужуди билан Аллоҳга тавба қилиб, кўзларида ёш билан йўлда кетаётган эди, йўлнинг ўртасига келганда бирдан ажали етиб қолди. Шунда раҳмат фаришталари билан азоб фаришталари уни таллашиб қолишди. Раҳмат фаришталари: «У Аллоҳ таолога қалби билан юзланган ҳолда тавба қилиб келаётган эди», деди. Азоб фаришталари эса: «У ҳали бирорта ҳам яхши амал қилгани йўқ», дейишди. Шунда Аллоҳ таоло қайси тарафга яқин бўлса, ўшанга кўра иш кўришни буюрди. Қарашса, у ўзи кўзлаб кетаётган қишлоғига бир қарич яқинроқ экан. Шунда Аллоҳ унинг гуноҳларини мағфират қилди ва унинг жонини раҳмат фаришталари олди, жойи жаннатдан бўлди.

Ушбу ҳадисларни шарҳлаган уламоларимиз

бу ҳадислар хавф ва ражо тушунчасига далолат қилади, дея таъкидлашади. Банда ким бўлишидан ва қандай амал қилишидан қатъи назар, амалига суюниб қолмаслиги керак. Бирор хато сабабли азобга қолиш хавфи уни тарк этмасин. Чунки у ўзи билмаган ҳолда ўз оёғи билан дўзахга кириб кетиши мумкин. Шунингдек, банда ҳеч қачон ноумидликка тушмаслиги керак. «Биз энди нима бўлсак бўлдик, буёғи пешонамиз», дейиш бандаликка муносиб бўлмаган жоҳилона журъатдир. Аллоҳнинг мағфирати ва марҳамати чексиз. Хоҳласа, банданинг биргина яхши амали сабабли ҳидоят қилиб, жаннатига эриштириши ҳеч гап эмас.

Хавф – Аллоҳ талонинг ғазаб сифатига бўлган иймоннинг, ражо У Зотнинг раҳмат ва мағфират маъносига сифатларига бўлган иймонинг натижасидир. Аллоҳдан хавф қилмай, ҳотиржам юрган киши У Зотнинг бир қатор сифатларига тўла ишонмаган бўлади. Шунингдек, Аллоҳнинг мағфират ва лутфу раҳматидан ноумид бўлган киши У Зотнинг шу маънодаги сифатларини инкор этгандек бўлади. Шу боис, Исломда хавф ва ражо тушунчасига алоҳида эътибор берилади.

Қуръони Каримда қерда Аллоҳнинг раҳмати, мағфирати зикр қилинса, шу жойда У Зотнинг ғазаби ва азоби ҳам эслатилади. Қачон жаннат ҳақида гап кетса, дўзах ҳам эсга олинади. Мана шунинг ўзи бандага доимо хавф ва ражода бўлиш лозимлигини уқтиради.

Хавф ва ражо кеманинг икки тарафига осилган посанги тошга ўхшайди, агар улардан бири бўлмаса, кема бир тарафга оғиб, ҳалокатга учраши аниқ. Хавф ва ражони қушнинг икки қанотига ўхшатиш ҳам мумкин, улардан бири бўлмаса, киши ҳеч қачон улуг мақомлар сари, жаннат сари парвоз қила олмайди, аксинча, ҳалокат биёбонига қулайди.

Хавф ва ражо сифати кишини бошқа инсонлар ҳақида кескин хулоса чиқаришдан ҳам тўсади. Ўзидан кўра ибодат ва тақвода куйи одамни кўрганда, ўзининг амалига мағрур бўлиш ўрнига, уларнинг қабул бўлган бўлмагани ҳақида ташвиш қилади. Бетавфиқ кишиларни кўрганда уларнинг ҳам ҳидоят топишини умид қилади.

Аллоҳдан хавф қилган киши гуноҳга қўл урмайди, Аллоҳнинг буйруғини тарк этишга журъат қилмайди. Аммо бандалик, ожизлик қилиб бирор гуноҳ содир этса, Аллоҳнинг бирорта буйруғини тарк этиб қўйса, дарҳол тавба қилади ва гуноҳининг кечрилишини умид қилади.

Аллоҳдан хавф қилган киши ибодатни адо этганда, яхши амалларни қилганда, уларнинг қабул бўлмай қолишидан хавф қилиб туради. Аммо бу хавф уни амалдан совутиб қўймаслиги учун амалларининг Аллоҳнинг ҳузурда мақбул бўлишини умид қилиб туради. Хавф Аллоҳдан кўрқиб гуноҳдан тийилишга ва ибодат қилишга ундаса, ражо У Зотдан умид қилган ҳолда гуноҳдан қайтишни ва ибодат қилишни таъминлайди.

Қуйидаги ҳадиси шариф хавф ва ражо тушунчасини бизга янада равшанроқ ёритиб беради. Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: «Бирингизнинг

хилқати онасининг қорнида қирқ кунда жам қилинади. Кейин ўшанча вақт лахта қон бўлади. Сўнг ўшанча вақт бир тишлам гўшт бўлади. Сўнг Аллоҳ бир фариштани юборади ва унга тўрт калима буюрилади: «Унинг амалини, ризқини, ажалини ва бебахт ёки бахтли эканини ёз» дейилади. Сўнгра унга руҳ пуфланади. Бас, сизлардан бир киши амал қилиб бораверади, ҳатто у билан жаннат ўртаси бир зироъгина қолади. Шунда унга битиги устун келади-да, дўзах аҳлининг амалини қилади. Шунингдек, киши амал қилиб бораверади, ҳатто у билан дўзах ўртаси бир зироъгина қолади. Шунда унга битик устун келади-да, жаннат аҳлининг амалини қилади».

Ушбу ҳадисда мусулмон киши ўз амалига суюниб қолмаслиги, Аллоҳ таолонинг фазлу марҳаматидан ҳамиша умидвор бўлиши, У Зотга доимо дуою илтижода бўлиши кераклиги уқтирилмоқда. Аллоҳ таоло ҳар бир банданинг тақдирини ўзининг илми азалийси ила билади. Аммо бу илм ҳеч кимни ҳеч нарсага мажбурламайди.

Баъзи уламолар ушбу ҳадисни қуйидагича изоҳлайдилар: Бир банда зоҳирда яхши амалларни, жаннат амалларини қилиб юради, ҳатто у одамларнинг кўзидан жаннатий инсон бўлиб гавдаланади. Аммо унинг ботини чатоқ, нияти яхши эмас. Шу боис, унинг амаллари Аллоҳ таолонинг ҳузурда қадр топмайди, мақбул бўлмайди. Шунга кўра, у дўзахга лойиқ бўлади. Бироқ Аллоҳ унинг ичидаги асл башарасини юзага чиқариб, кейин уни жазолашни ирода қилади. Натижада, ҳалиги киши битта дўзах амалини қилади ва ўз жойини топади. Иккинчи кишида ҳолат аксинча бўлади. Ҳадиснинг ушбу изоҳига Иблис мисол бўлади. У аслида серибодат эди, еру осмонда пешонаси тегмаган жой қолмаганди. Аммо унинг қалбида манманлик ўрнашиб кетган эди. У ўша ибодатларни ҳам кибру ғурур билан бажарар эди. Унинг бу ҳолати Аллоҳ таолога мақбул бўлмади. Аллоҳ биргина имтиҳон билан унинг қалбидаги иллатини юзага чиқарди ва уни лаънатлади, натижада у дўзахийларнинг сардори бўлди.

Демак, киши амалига мағрур бўлмаслиги, суюниб қолмаслиги керак, балки бирор айби сабабли амалининг қабул бўлмай қолишидан доимо хавфда бўлиши лозим. Чунки киши умр бўйи яхши амал қилиб, жаннатга киришига бир баҳя қолганда, қайсидир хатоси туфайли, биргина нотўғри қадам босиш натижасида жаҳаннам қаърига қулаши ҳеч гап эмас. Шунингдек, банда ҳеч қачон ноумид бўлмаслиги керак, балки Аллоҳдан ҳамиша яхшилиқни умид қилиши лозим. Чунки инсон гуноҳ қилиб бориб, дўзахга тушишига бир баҳя қолганда астойдил тавба қилиш насиб бўлиб, яхши амал қилишга маваффақ этилса, қайсидир Аллоҳга ёққан амали сабабли ёки биргина тўғри ҳаракати билан жаннат сари парвоз қилиши мумкин. Аллоҳ таоло ҳаммаларимизга Ўзидан доимо хавф ва ражода бўлишни насиб этсин.

Ҳасанхон Яҳё АБУЛМАЖИД

ЎЛИМДАН АСРАБ ҚОЛДИ

Ушбу мақола “Сирли олам” газетасининг 1996 йилги сонларидан бирида эълон қилинган экан. Ундаги воқеа жуда ибратли бўлгани учун “Ҳилол” журнали ўқувчиларига илингимиз келди.

Ўша узоқ, алғов-далғов йигирманчи йилларда тошкентлик Мирсоли акани бутун маҳалла вофуруш-савдогаргина эмас, балки тадбиркор одам сифатида ҳам яхши биларди. У уйдаги сигирлари сутидан ташқари қўни-қўшнилاردан ҳам сут сотиб олар ва хонаки сариёғ, пишлоқ тайёрларди. Ўзига хос оилавий ширкат яхшигина даромад топарди. Қўли очик, сахий бу савдогар ҳар бир тийин қадрини яхши билар, ортиқча исрофгарчиликка йўл қўймас эди. Йигирманчи йилларда, савдо ва тижоратга кенг йўл очилган кезлари у акаси билан Тезиков боғи атрофида кўн заводини ишга туширди. Шўро ҳукумати янги иқтисодий сиёсат юритиб, бозор муносабатлари ривожига туртки берган, шахсий ташаббус ва тадбиркорликка имконият яратган давр эди.

Аммо бу ғанимат эканлигини ўшанда ҳеч ким билмаган, барча тирикчилик, тижорат, бозор-ўчар билан банд бўлган мамлакатда маъмурий-буйруқбозлик тизими аста-секин кучга кириб борарди. Эркин бозор муносабатларини чеклаш жараёни дастлаб солиқларни кўпайтириш чораларидан бошланди. Узоққа ташлаб қўйилган арқон секин-аста тортилиб, тадбиркор тижоратчиларнинг сармояларига чанг солинди. 1928 йилга келиб эса улар қулоқ ва ёт унсурлар ёрлиғи билан қатафонга учради.

Мирсоли ҳам рўйхатга тушди. У фурсатни ғанимат билиб, Тошкентдан яширинча чиқиб кетди. Ҳовли-жойлари, мол-

мулкларини ҳам ташлаб ўзи билан ўн бир яшар ўғли Ўлмасни эргаштириб, Паркентга келди. Ўша жойда қурилаётган ғишт заводига ишга жойлашди. Асл номи Олтинтепа бўлган Паркент шаҳри атрофида яшовчи бир ўриснинг уйда ижарада тура бошлади. Табиатан изланувчан ва тиришқоқ Мирсоли уч ойдан сўнг ғишт терувчи уста лавозимига ўтказилди. Олти ойдан кейин эса усталар бошлиғи этиб тайинланди. Тадбиркор ва ишнинг кўзини билувчи одам ҳар жойда ўз йўлини топиб кетади. Мирсоли мустақил иш юритишга қарор қилиб, пудратчига айланади. Усталар ва мардикорларни ёллаб, буюртма асосида қурилиш ишларини бажаради.

Ўлмас отаси билан чин кўнгилдан фахрланарди. Оила яна оёққа туриб олди. Мирсоли ўғлининг ўқишга, илмга интилишидан хурсанд эди.

1938 йили Ўлмас кўнгилли равишда Қизил Армияга хизматга кетишини айтганида, ота унинг раъйига қарши бормади. Чақирилувчилар йиғинида бўлғуси аскарлар номидан тумонат одам ўртасида Ўлмас сўзга чиққанида, йигитлик бурчи ҳамда Ватан шарафи ҳақида юрак гапларини айтганида Мирсоли аканинг кўзларида ёш қалқиди:

– Бошинг тошдан бўлсин, ўғлим!

Ўлмас олис фин ўрмонларида урушга кирганида, қанчалаб ажал ўқларига тўқнаш келганида отасининг бу сўзларини кўп эслади. Тўп командири сифатида Ши-

молий Буковинани ишғол қилишда, Днестрни кечишдаги жангларда қатнашганида, етти ухлаб тушига кирмаган воқеаларнинг гувоҳи бўлганида, отасининг маслаҳатлари қайта-қайта ёдидан утарди.

1941 йилнинг ёзида уларнинг қисми Лвов яқинидаги Рава-Русский деган жойда, ўрмон ичида жойлашди. Ўша унутилмас ёз оқшоми бир умр хотирасида муҳрланиб қолади. Ўлмас Азимов қисм навбатчиси эди. Тошкентдан унга совға-саломлар келди, улар орасида консерваланган палов ҳам бор экан. У ошпаз йигитга ошни иситишни буюрди. Тез орада ўзбек мевалари билан безатилган дастурхонга палов ҳам қўйилди. Аммо негадир Ўлмаснинг иштаҳаси бўлмади. У беихтиёр фин урушни, оч қолган кунларини, бир бурда нонга зор бўлган пайтларини эслади. Қайин пўстлоғини қайнатиб ичганлари, хор-зор бўлиб бу лаънати урушни тезроқ тугаллаш ҳақида ўйлаган куну тунлари ёдига тушди. Фин ўрмонларида ҳалок бўлган қуролдошларини кўз олдига келтирди. Бироқ сержант Ўлмас Мирсоли ўғли бу унинг ҳаётидаги сўнгги тинч оқшом эканини, бу тўкин дастурхонни узоқ вақт эслаб, орзиқиб ўйлашини хаёлига ҳам келтирмас эди. У ошпаз йигит билан узоқ вақтгача гурунглашиб ўтирди.

Улар яқин атрофдаги артополигон устидан ғувиллаб ўтаётган учоқлар, узук-юлуқ портлашларни эшитишди. Ўлмас ўшанда бу яқин атрофда қандайдир ҳарбий машқ бўляпти, деб ўйлади. Аммо бу катта урушнинг муқаддимаси эканини билмади.

Ўша тонг ўрмон тепасида немис учоқлари пайдо бўлди. Бомбалар портлашидан атроф ларзага келди. Кейин эса ялангликда танклар кўринди. Ўлмас ўзига бириктирилган тўп гуруҳи билан бир ҳафта давомида душман ҳужумини қайтарди. Аммо на у, на ўқчи қисм командири майор Гватума ўзлариникилар фашистлар қуршовидаги бу қисмга қўл силтаб, олға силжиб кетишганидан беҳабар эди. Омон қолган аскарлар зобитлар асосий кучларга қўшилиш учун ўзлари эгаллаб турган маррани ташлаб, Лвов вилояти қишлоқлари томон жўнашди.

Вазият мураккаб тус ола бошлади. Немислар қуршовидан ёриб чиқиш ниҳоятда мушкул иш экани тобора аёнлашарди.

Сержант Азимов яна бир гал даракчиликка борганида, душман ҳалқасига тушиб қолди. Қаттиқ отишмада яраланиб, улар қўлига тушди.

Фашистлар уни икки қуролдоши билан қишлоқ чеккасига олиб чиқишди. Ўра қазишни буюришди. Ўлмас бу ўра ўзлари учун гўр эканини тушунди. Ниҳоят ўра тайёр бўлди. Немис зобити қисқа буйруқ берди, автоматлар асирларга тўғриланди.

Ўлмас ҳаёт билан видолашди. Сўнгги бор қуёшга боқиб, ўқ то-вушини кута бошлади. Аммо шу пайт машина аломат (сигнал) бергани эшитилди-ю кимнингдир амирона буйруғи янгради. «Оппел-адмирал» машинасидан тушган генерал нималардир деб бақирди. Фашистлар автоматларни тушириб, ғоз қотишди. Кейин Ўлмас ва унинг қуролдошларини асирлар сафига қўшиб юборишди.

Шу тариқа Ўлмас Мирсоли ўғли биринчи ўлимдан халос бўлди. Аммо у ўшанда чинакам синовлар ҳали олдинда эканини билмас эди. Асирлар июлнинг жазирама офтобида кун бўйи йўл босиб, оқшомга яқин бутхонага етиб келишди. Уч юз нафар асирни ана шу тор бутхонага ҳайдаб киритишди, жой танқислигидан улар фақат бир-бирларига суюнганича оёқда тик туришга мажбур эдилар. Кечаси асирларни бешта-бештадан чиқариб, ташқарида отишди. Қатл тонгга яқин тугаганида, асирларнинг ярми кўринмасди. Тириклар сафида Ўлмас Азимов ҳам бўлиб, у энди иккинчи марта ўлимдан қолган эди.

Уларни ҳарбий асирлар лагерига ҳайдаб кетишди. Қарийб олтмиш минг киши сақланаётган бу ерда шароит ниҳоятда оғир эди. Юз кишига кунига ўн буханка нон, бир маҳал ювиндидан қолишмайдиган атала бериларди. Минглаб ёш йигитлар очликдан ўлиб кетишди.

Икки ҳафтадан сўнг Ўлмас етти ҳамроҳи билан лагердан қочишга муваффақ бўлди. Икки кун қишлоқма-қишлоқ беркиниб юрди. Ана шу дарбадарликда тутқунлик ва озодликнинг нималигини ўз бошидан кечирди. Учинчи кун немис исковуч итлари унинг изига тушди.

Ўлмас ўлим жазосига ҳукм этилиб, лагер ўртасига дор қурилди. Лагер қутволи (комендант) ҳамма асирларни майдон-

га тўплашни буюрди. Қатл маросимига йиғилган минглаб асирларга қарата қутвол ким қочишга уринса, унинг жазоси ўлим эканини уқтирди.

– Ўлим олдидан қандай илтимосинг бор? – деб сўради у Ўлмасдан.

– Намоз ўқиб олай, – деди у хаёлга толиб.

Отаси Мирсоли ака унга болалигидаёқ намоз ўқишни ўргатганини эслади. Ўлмас ўн ёшидан отаси билан ёнма-ён жойнамозга турган эди.

Ўлмаснинг кўзларига ёш қалқди. Немислар унга дор тагида жойнамоз ўрнига оқ чойшаб ёзиб беришди. Ўлмас кунботарга қараб азон айтиб, Қуръон сураларини қироат қила бошлади. У ўн олти ракат намоз ўқиди. Ҳамма — асирлар ҳам, фашистлар ҳам уни диққат билан кузатаб туришарди.

Ўлмаснинг бутун фикри-зикри Худо билан мулоқотда: шу тобда ҳамма нарса-ни, лагерни ҳам, фашистларни ҳам, ажал кўланкаси бўлмиш дорни ҳам унутган эди. Наҳотки муҳаббат кўрмай, бир қизнинг кўлидан тутмай, навқирон йигит ёшида шундай ўлиб кетаверса?! Куч-қудратда тенгсиз, ҳар қандай ишга, мўъжизага қодир Парвардигори оламга унсиз илтижо қилди.

Қутвол ёнида турган тилмоч полякка нималардир деди. У эса дор томонга оҳиста кўтарилаётган Ўлмасга мурожаат қилди:

– Панкутволмиллатингнисўраяптилар?

– Ўзбек, – деди Ўлмас. Кейин тушунмай бош чайқаган қутвол ва тилмочга юзланиб қўшиб қўйди: – Тошкент, Самарқанд, Темур.

– Темур? — ажабланди қутвол, – Темур!.. Турк, турк! Гут, гут!

Қутвол тилмочга нималарнидир уқтира бошлади.

– Бу йигит мусулмон экан, художўй турк экан. Турклар эса буюк Олмониянинг итгифоқдошларидир. Шунинг учун пан қутвол асир Азимовнинг гуноҳидан ўтадилар.

Ўлмаснинг боши айланиб кетди. Муқаррар ўлим ундан яна чекинган эди. Кўзларига ишонмади, мудҳиш дорга тикилганича, ҳайкалдек қотиб қолди.

Фашистлар сержант Азимовни Тарновжок деб аталган жойдаги жарима лагерига жўнатишди. Бу ердаги шароит аввалгисидан ҳам бешбаттар экан. Ўлмас очликдан, касалликдан ўлган юзлаб, минглаб одамларни кўрди. Улар айна яшайдиган, ҳаёт завқини сурадиган навқирон йигитлар эди. Ўлмас худди шу жойда очликдан ит ғажиб ташлаган суякларни кемирган одамларни ҳам кўрди. Бир куни уларни қўшни қишлоққа сув олиб келишга юборишганида, бир ҳовлидаги тоғорада турган хамирни чангаллаб оғзига тиққан, уришиб-талашган одамларни кўриб, очлик кишини қай кўйларга солишига гувоҳ бўлди.

Сержант Азимовга бу лагердан ҳам қочиш nasib этди. Уруш охирига қадар армияда хизматни давом эттирди. 1945 йил баҳорида уларнинг қисми устига немис бомбалари ёғилиб, тўрт юз жангчидан атиги 27 киши тирик қолганида ва улар қаторида ўзи ҳам омон қолганини кўриб, чиндан ҳам Аллоҳ ёрлақанган одам эканига ишонди.

Сержант Ўлмас Азимов она юртига қайтганида ҳам тақдир синовларидан қутулмади. Уни асир тушгани учун айблашиб, йигирма беш йиллик қамоқ жазосига ҳукм этишди.

Ўлмас жануб ва шимол лагерларида инсон кўрмаган азоб-уқубатларга дучор бўлди. Лекин соғлом руҳи ва пок нияти уни Аллоҳ паноҳида омон сақлади. Мирсоли ака ўғли Ўлмаснинг бошидан ўтган барча синовларнинг гувоҳи эди. Ўғли озодликка чиққач, унинг келгуси ҳаёти яхши бўлишини башорат қилиб, 1957 йили оламдан ўтди.

Ота башорати тўғри чиқди. Ўлмас Азимов темирўл ва автомобил транспортда ўттиз йил меҳнат қилиб, қариллик нафақасига чиқди. Фарзандлари Илёс, Аббос, Василя ҳозир масъул лавозимларда хизмат қилишмоқда. Ўлмас ака саксонга яқинлашган бўлсаларда, ҳамон тетик ва бардам. Яқинда иккинчи нева-ра тўйини ўтказди. Тошкентнинг Мевазор маҳалласида уни барча ёшу қари ҳурмат қилади. У ўзи курашган, қон тўкиб эришган саодатидан мамнун.

Ҳамдам СОДИҚ.



НАМОЗНИНГ ҲИКМАТ ВА ФОЙДАЛАРИ

Намознинг Исломда иймондан кейинги фарз, энг улуғ ибодат эканини ҳар бир муслмон яхши билади. Намоз руҳ озукаси, қалб жароҳатининг шифоси, нафсининг жиловидир. Намоз қийналганларга ёрдам, хафвдагиларга омонлик, заифларга қувват, қуролсизларга қалқондир. Намоз иймоннинг аломати, қабр пурнур этувчи зиё, охирадда дўзахдан пана этувчи, бандани ёмонлик ва гуноҳдан қайтарувчи энг яхши даводир. Намоз бир инсоннинг муслмон эканига ишоратдир. Ҳатто муслмон бўлмаган инглиз ёзувчиси Нобел мукофоти соҳиби Бернард Шоу “Муслмонларнинг намози икки мингинчи йилда дунё тиббий академияси профессорларининг дори тавсияномаларидан (рецептларидан) жой олади”, деган. Умар ибн Хаттобнинг (розияллоҳу анҳу) “Аллоҳ намоздадир, Аллоҳ намоздадир. Ким намозни қолдирса, унга Исломда улуш йўқ. Ким намозни қазо қилишдан сақланса, Аллоҳ уни ҳам сақлайди. Ким намозни зое қилса, Аллоҳ уни ҳам зое қилади”, деган сўзлари бор. “Хушӯ бўлмаган намозда яхшилик йўқдир”, деган Али ибн Абу Толиб.

Муслмон киши намозни Аллоҳ таолонинг амри бўлгани учун ўқийди. Роббимизнинг ҳар бир амрида эса бениҳоят ҳикмат ва фойдалар, ҳар бир тақиқида эса кўплаб зарару зиёнлар бор. Ушбу

фойда ва зарарларнинг аксарият қисми бугунги кунда тиббиёт мутахассислари томонидан тасдиқланиб келмоқда.

Ислом дини саломатликка энг юксак аҳамият берган диндир. Шу боис бўлса керак, динимиз ибодатларнинг энг устуни бўлмиш намозни умримизнинг сўнгига қадар ўқишимизни буюрган. Намоз ўқиган одам бу гўзал ибодатнинг саломатликка оид манфаатларига ҳам албатта эришади. Намознинг инсон саломатлигига келтирадиган фойдаларидан баъзиларини санаб ўтайлик:

1. Намозда бажариладиган ҳаракатлар енгил, осон бўлгани учун юракка зўр келмайди (толиқтирмайди) ва куннинг маълум бир вақтларида бажарилгани учун инсонни доимо тетик тутлади.

2. Бир кунда бошини саксон марта ерга қўйган инсоннинг миясига мунтазам равишда кўп миқдорда қон оқиб келади. Мия ҳужайраларининг қон билан яхши тўйиниши туфайли намоз ўқийдиган одамларда хотира сустлиги ва склероз камроқ учрайди. Бундай кишиларнинг турмуш тарзи соғлом бўлади.

Даставвал рукуъда тананинг тенг ярмигача эгилган бош мияга қон келиши жонланади. Шу ҳолатда бироз турган киши саждадан аввал ростланиб олади. Бу бош мияни қон билан таъминловчи

томирларни эндиги бўладиган кучли қон оқимига тайёрлайди. Энди намозхон эгилиб, тиззаларига чўккалаб, сўнг бошини саждага қўяди. Натижада қон босими баланд бўлган кишилар учун ортиқча зўриқиш ҳосил бўлмайди. Сажда ҳолатида бош мияга катта миқдорда қон оқиб кела бошлайди. Шу ҳолатда бироз тургач, инсон дарров туриб кетмай, аввал бироз ўтириб олади. Бундай ҳолатда бирдан туриб кетиш қон босими паст бўлган одам учун нохуш ҳолатларга олиб келиши мумкин. Энди намозхон иккинчи марта саждага бош қўяди. Бош мияни қон билан таъминловчи томирлар иккинчи марта тўлиқ қувват билан ишлайди. Шундан кейингина намозхон ўрнидан туриб, қад ростлайди. Мана шу ҳаракатлар натижасида пайдар-пай катта миқдордаги қонни узатиб турган томирлар эгилувчан, таранг бўлади. Бундай «машқ»ларни йиллар давомида ҳар куни, муайян вақтларда бажариб турган томирлар чиниқиб, эластик ҳолатда бўлади, ичида тикинлар ҳосил бўлмайди.

Шу ерда «Намоз ўқийдиган одамларда ҳам қон босими, айниқса, бош чаноғининг ички босими учраб туради-ку», деган ҳақли савол туғилиши табиий. Албатта, ҳар қандай дардни Аллоҳ таолонинг Ўзи беради. Бироқ, бундай дардлар ёшлигидан намоз ўқиб келаётган, саждада узоқроқ турадиган намозхонларда камроқ учраши ўз-ўзидан маълум. Бунинг устига, таҳорат пайтида бўйинга масҳ тортилганда ҳам бўйин мушакларида қон юриши тезлашади, намоз сўнггидаги икки томонга салом бериш пайтида эса бўйин томирлари умуртқа поғонасининг бўртиқлари томонидан бироз «уқалаб» турилади.

Намознинг қон айланиш тизимига кўрсатадиган ижобий таъсирларидан яна бири ташаҳхуд ўқиладиган ҳолатда кузатилади. Ҳозирги замон тиббиётининг аниқлашича, ташаҳхуд ҳолатида ўтирган ҳолда сон артерияларининг бироз сиқилиб, кейин бўшатилиши натижасида ички органлар, биринчи навбатда юрак ва мия қон билан қўшимча таъминланар экан. Маълум бўлишича, оддий ҳолатда организмдаги қон ташувчи капиллярларнинг (майда қон томирлари) 30 фоизигина очиқ турар, сон артерияси бир сиқиб, қўйиб юборилганда эса бу кўрсаткич икки баравар ортар экан. Демак, шу ҳолатдан сўнг ички аъзоларга икки марта кўпроқ қон етказиб берилар экан.

3. Намоз ўқийдиган кишининг боши мунтазам эгилиб кўтарилиб туриши сабабли унинг кўзларида қон айланиши яхшиланади. Шунинг учун кўзнинг ички босими ошмайди, шоҳпарда (кўз мугузи) доим мўътадил намланиб туради. Бу эса катаракта

касаллигининг олдини олувчи муҳим омилдир.

4. Намоздаги изометрик ҳаракатлар ошқозондаги озуқанинг яхшилаб аралашшига ва унинг яхши ҳазм бўлишига ёрдам беради, сафронинг (ўт суюқлигининг) ўт пуфагида тўпланиб қолмай, бир меъёрда ажралиб чиқишига, ошқозон ости безининг равон ишлашига имкон бериб, қабзиятнинг (ич қотишининг) олдини олади. Намоздаги кундалик мунтазам ҳаракатлар натижасида буйрак, пешоб йўллари, қовуқ ва тўғри ичакнинг доимий чайқалиши, ҳолатининг ўзгариб туриши натижасида бўшанишнинг бир меъёрда бўлишини таъминланади ва бу органларда тош ҳосил бўлишининг олди олинади.

5. Суткасида камида беш маҳал бажариладиган ритмик тана ҳаракатлари бўғимлар, мушаклар ва томирларни жонлантириб, артроз (артрит), остеохондроз каби касалликларнинг, хусусан, бўғимларда туз тўпланишининг олдини олади, жисмоний меҳнат билан шуғулланмайдиган одамларда томирларда тикин пайдо бўлишига тўсқинлик қилади.

6. Организмнинг саломатлиги тананинг тозалигига боғлиқдир. Намоз учун шарт бўлган таҳорат ва ғулс покликнинг айна ўзидир. Бинобарин, намоз ҳам моддий, ҳам маънавий покликдир. Баданни ҳам, руҳни ҳам покламай туриб намоз ўқиб бўлмайди. Натижада намознинг барча шартларини адо этган киши руҳан пок, жисман тетик бўлади.

7. Профилактик тиббиётда жисмоний ҳаракатларни куннинг муайян пайтида бажариш, овқатланиш, уйқу ва дам олишни ҳам аниқ режим асосида йўлга қўйиш ўта муҳимдир. Намоз вақтлари организмда қон айланиши ва нафас олишни жонлантириш учун энг қулай ва мақбул пайтлардир.

8. Намоз уйқуни тартибга солишнинг энг мукамал низомидир. Мутахассислар ўтказган тадқиқотларнинг натижасига кўра, намоз ёрдамида танада тўпланиб қоладиган статик электр заряддан ҳам халос бўлиш мумкин экан. Танамиздаги бундай заряд сажда пайтида ерга ёки таҳорат пайтида сувга ёхуд таяммум пайтида тупроққа текканизмида ерга узатилар экан. Намоздан сўнг тетиклашиб, ўзимизни бардам сезишимизнинг сабаби қисман мана шу ҳикматга ҳам боғлиқ экан. Намознинг бундай манфаатларидан тўлиқ фойдаланиш учун уни вақтида адо этиш билан бирга покликка, тўғри ва меъёрда овқатланишга, парҳезга, ейдиган озуқамизнинг покиза ва ҳалол бўлишига ҳам ғоятда эътиборли бўлишимиз лозим.

ҲАЗРАТИ УМАРНИНГ ЎЛИМИ

ЭНГ АЧЧИҚ НЕЪМАТ (ФАЛСАФИЙ ҚИССАДАН БОБЛАР)

Хулофои рошидин (тўғри йўлдаги халифа)ларнинг ҳазрати Абу Бакр Сиддикдан ташқари қолган уч нафари, яъни ҳазрати Умар, ҳазрати Усмон ва ҳазрати Али (розияллоҳу анҳум) Ислом душманларининг фитна ва суиқасдлари туфайли шаҳид бўлишган. Ҳазрати Умар ҳам Ислом душманлари қўлида шаҳодат топдилар.

Ҳазрати Умарнинг халифалик даврларида муборак Ислом фатҳи жуда кўп ўлкаларни қамраб олди, у ерларга араб лашкарлари Аллоҳнинг дини Ислом шариатини, охирги пайғамбарнинг суннатини етказиб боришди. Бу халққа манзур тушиб, рисолат етиб борган ўлкалар гуллаб-яшнаган эса-да, мансабидан айрилиб, зулм ва истибодга тўла сиёсатларини аввалгидай эмин-эркин ўтказолмай қолган ҳукмдорларнинг Қазаб ва нафратини кучайтириб юборганди. Айниқса, Ислом фатҳи туфайли инқирозга юз тутган Ироқ ва Эрон давлатларидаги мансабдорларнинг Ислом фотиҳларига адовати чексиз эди. Эроннинг кўзга кўринган ҳукмдорларидан Хурмузон урушда асир тушиб, Мадинага келтирилган, ҳазрати Умарга ҳийла ишлатиб, ўз жонини сақлаб қолганди. Мадинада ундан бошқа ўз мол-мулки, мансаб-мартабасидан ажраб қолган кўпгина аъёнлар ҳам яшаб турганди. Бу ҳам бир сиёсат эди, ёвуз душманнинг кўз ўнгингда тургани яхшироқ эди.

Ана шундай аламзада ва душман кимсалар анчадан буюн мусулмонларнинг одил халифаси жонига қасд қилишни ният қилиб юришганди. Бир куни улар бир хонадонга тўпланиб, ҳазрати Умарни жисмонан йўқ қилиш режасини тузишди. Бу ишни насроний қул Абу Луълуага топширишди. Бу қул ўзи эронлик насроний

бўлгани учун мусулмонларга адовати ва нафрати чексиз эди, уларнинг зарарига ҳар қандай қабиҳ ишдан қайтмасди.

Абу Луълуа қандай жанжал чиқаришни билмасди. Бир гал қул дунёнинг ярмига ҳукмронлик қилиб турган халифани кўчада тўхтатиб, ўз ҳаётидан, мусулмонлардан озор чекаётганидан шикоят қилиб зорланди. Халифанинг ўрнида бошқа одам бўлганида қул билан, бунинг устига насроний қул билан гаплашиб ҳам ўтирмасди. Аммо ҳазрати Умар унинг шикоятини батафсил тингладилар, аҳволини яхшилашга доир маслаҳатлар бердилар. Аммо ичи аламга тўлган қул шунда ҳам тинчимасди. Амирга очикдан-очик таҳдид қилиб, ҳақорат қила бошлади. Аммо халифа атрофларида тўпланган оломонни ҳайратга солиб, қулнинг ҳақоратларига, таҳдидларига эътибор бермай, ўз йўлларида кетавердилар.

Аммо бадбахт Луълуа нима қилиб бўлсаям ҳазрати Умарни ўлдиришга қасд қилганди. Ўша куни кечқурун бир ханжар топди, уни яхшилаб чархлади, ўткир оғу билан заҳарлаб тайёрлаб қўйди. У тонг оқармай туриб, ҳазрати Умарнинг бомдод ўқиш учун масжидга келишларини пойлаб турди.

Халифа намозга жуда эрта келарди, шунинг учун масжидда қавм ҳали тўла тўпланмаган эди. Қул масжид ичиги кириб яширинди. Қўлидаги ханжарни шай қилиб, юраги дук-дук уриб, ҳазрати Умарнинг намоз бошлашларини кутиб турди. Чунки у халифанинг ҳар қандай ҳолатда ҳам намозни бузмаслигини эшитганди.

Мана, халифа меҳробга ўтди. Икки қўлини қулоқларига яқинлаштириб, «Аллоҳ акбар», деди.

Ортада турганлар ҳам гувраниб қўшилишди. Халифа қироатни бошлади. Ҳамма чурқ этмай, сомеъ бўлган, пашша учса эшитилгудай сукунат ҳукмрон эди. Суиқасд учун бундан ортиқ имконият борми? Абу Луълуа ханжарини маҳкам чангаллаганича, бекинган жойидан чиқиб, меҳробга қараб юрди. Ҳеч нарсадан беҳабар ҳолда Аллоҳнинг каломини қироат қилаётган халифага яқинлашиб, унинг бўйни, елкаси аралаш олти ерига ханжарини жон-жаҳди билан санчиб, ботириб олди. Халифанинг ёнида Амр ибн Маймун ва Абдуллоҳ ибн Аббос туришганди. Ҳазрати Умар (р.а.) рукуъга кетдилар-да, бирдан «Уҳ, мени ўлдирди, ушланглар», дея қичқириб юбордилар. Абу Луълуа ҳазрати Умарнинг бир неча жойларига ханжар уришга улгурган эди. Ҳазрати Умарнинг хитобларидан сўнг у намозхонлар орасидан отилиб чиқди-да, ўнгу-сўлида учраган ҳар бир одамга ханжар ура бошлади. Шу тариқа бир пасда у ўн уч кишини жароҳатлади, улардан етти киши ҳалок бўлди.

Бу ҳодисани кўриб турган мусулмонлардан бири бурниси (чопони)ни ечиб, қулнинг устига отди. Шунда бояги қотил қўлга тушганини сезиб, ўзига ханжар санчиб ўлдирди. Ҳазрати Умар (р.а.) йиқилиб кетмаслик учун Абдурахмон ибн Авфнинг қўлидан ушлаб қолдилар. Фожиани фақат халифанинг ортида турганларгина кўриб, у кишига ёрдамга шошилишди. Орқа сафдагилар бундан тамоман беҳабар, ҳазрати Умарнинг овози тўхтаб қолганидан таажжубланиб: «Субҳаналлоҳ, субҳаналлоҳ», дейишарди.

Ҳазрати Умар (р.а.) кўп қон йўқотганларидан ҳолдан тойиб қолгандилар. Шунинг учун ўрниларига Абдурраҳмон ибн Авфни имомликка қўйдилар. У киши намозхонларга имом бўлиб, намозни тезда тугатдилар. Намозхонлар масжиддан чиқиб бўлишгач, ҳазрати Умар буюрдилар: «Эй ибн Аббос, менга ким суиқасд қилганини билиб кел!» Ибн Аббос чиқиб кетиб, бироздан сўнг қайтиб келди ва: «Сизга суиқасд қилган насроний қул экан», деди. Ҳазрат Умар (р.а.): «Сунуъми?» деб сўрадилар. Ибн Аббос тасдиқ қилди. Ҳазрат Умар (р.а.): «Уни Аллоҳ таоло ҳалок қилди. Мен унга амру маъруф қилган эдим. Аллоҳ таолога шукрим, У мени мусулмоннинг қўли билан ўлдирмади. Эй ибн Аббос, сен ва отанг Мадинада улужларнинг кўп бўлмоғини истар эдинглар!» дея ундан ўпкаладилар. Дарҳақиқат, Ибн Аббос ва унинг отаси улужларни, яъни араб бўлмаган кофир қулларни Мадинада кўпайтириш тарафдори бўлиб, уларнинг ажамий қуллари бошқасидан кўпроқ эди. Хижолатда қолган Ибн Аббос: «Агар истасангиз, уларни ўлдирамиз», деди. Бунга жавобан ҳазрати Умар (р.а.): «Иккалангиз ўз тилларингиз билан «Мадинада ажамий қулларни кўпайтирайлик», деганингиздан кейинги бу гапинг ёлғондир, энди бўлар иш бўлди, ўз қиблаларингизга қараб намозларингизни ўқийверинглар, ҳажларингизни адо этаверинглар», дедилар.

Ҳазрати Умарни уйларига олиб кетишди. Мадина аҳли, узоқ-яқиндаги мусулмонлар бу даҳшатли қотилликдан гангиб қолишганди. Халифанинг қаттиқ яраланганини эшитган мусулмонларнинг кўзидан ёш жаласи қуйилар, душманлар шод, масрур эди. Баъзилар «Ҳеч нима

қилмайди, тезда тузалиб кетадилар», дея ўзига тасалли берса, бошқалар у кишининг соғлиқларидан хавотирга тушиб, ўзини қўйгани жой тополмасди.

Ҳазрати Умарнинг ҳузурига табиб олиб келишди. У беморга шарбат, сут ичириб кўрди. Иккови ҳам жароҳат ўрнидан оқиб чиқди. Буни кўрган табиб афсусланиб бош чайқади: «Қиладиган ишингизни қилиб олинг, эй амирал мўминин, жароҳатингиз хийла оғир!»

Ҳамма ҳазрат Умарнинг ҳузурларига кириб, у кишига тасалли, ҳамдардлик изҳор қилди. Сўнгра бир ансорий йигит кириб келиб, шундай деди: «Эй мўминлар амири, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга саҳобийлик қилганингиз ҳамда Ислолда ўзингизга маълум шижоат-корлигингиз тўфайли Аллоҳ таоло жаннатий эканингиз хусусида қилган башоратидан хурсанд бўлинг! Кейин адолат билан халифалик қилдингиз, бунинг устига, мана сизга шаҳидлик ҳам насиб этиб турибди».

Бу қизғин гапларни индамай эшитган халифа: «Шояд шундай бўлса! Эй жияним, аммо булар менинг на Аллоҳ таоло олдидаги ҳисоб-китобим ва на Унинг бандасига берадиган қарзим учун кифоя қилмас эди», дедилар. Кейин ўғилларини чақириб: «Эй Абдуллоҳ ибн Умар, қарачи, қанча қарзим бор экан?» деб сўрадилар. Ҳисоблаб чиқишса, дунёнинг ярмига ҳукмронлик қилган ва Арабистонни олтин-қумушга кўмиб юборган халифанинг саксон олти минг дирҳам қарзлари бор экан. Ёнларидан эса 30-40 дирҳам пул чиқди. Шунда ҳазрати Умар (р.а.) ўғилларига топшириқ бердилар: «Агар қарзимни узишга Умар оиласининг мол-мулки етса, уни тўлагин, башарти етмаса, Бани Адий ибн Каъб қабиласидаги қариндошларимдан сўра, аммо уларни ўзгалар қошига бормоққа мажбурлама, улар берган мол-мулкнигина қарзимга тўла! Ҳозир эса мўминлар онаси Оиша розияллоҳу анҳонинг ҳузурларига боргил-да: «Отам Умар сизга салом айтдилар», деб айтгин, аммо «Мўминлар амири салом айтдилар», демагин, чунки мен бугундан эътиборан мўминларнинг амири эмасман. Сўнг «Отам Умар ибн Хаттоб икки дўстлари ёнига дафн қилинмоқларига сиздан ижозат сўраётирлар», деб айтгин».

Ўғиллари ҳазрати Оишанинг ҳузурига киришга руҳсат сўрадилар ва оталарининг илтимосларини етказдилар. Оиша онамиз: «Мен ўзимнинг улар ёнига дафн қилинмоғимни орзу қилар эдим, аммо бугун бунга ўзимдан кўра ҳазрат Умарни муносиброқ кўрурман», дедилар.

Ибн Умарнинг қайтиб келганини ҳазрати Умарга маълум қилишди. Шунда у киши бошларини ёстиқдан бироз кўтариб қўйишни сўрадилар ва ўғилларига «Қандай жавоб келтирдинг?» дедилар. Ибн Умар: «Эй мўминлар амири, сиз истаган жавобни келтирдим, ул муҳтарама ижозат бердилар», деди. Ҳазрати Умар чуқур қониқиш билан: «Алҳамдулиллаҳ, менинг учун икки дўст ёнига дафн қилинмоғимдан кўра муҳимроқ нарса йўқ эди!» дедилар.

Сўнгра мўминлар онаси Хафса (ҳазрати Умарнинг қизлари) бир неча аёллар билан кириб келишди. Эракларни кўриб, аёллар ташқарида қолишди, биргина Хафсанинг ёлғиз ўзлари ҳазрати Умарнинг ҳузурларига кириб, тепаларида бирмунча вақт йиғлаб ўтирдилар.

Тўпланганлар ҳазрати Умарга: «Эй мўминлар амири, васият қилиб, бирор кишини ўрнингизга халифаликка қолдиринг», дейишди. Шунда Умар (р.а.): «Мен бу ишга Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам вафотлари олдида розиликларини билдирган ўшал кишилардан кўра ҳақлироқ бирор одамни топмадим. Жаноб Расулulloҳ ўшанда Али, Усмон, Зубайр, Талҳа, Саъд ва Абдурахмонни тилга олган эдилар. Уғлим Абдуллоҳ ибн Умар эса менинг олдимда «Халифаликни талаб қилмайман», деб сўз беради. Унинг халифалик хусусида ҳеч қандай ҳақ-ҳуқуқи йўқ бўлиб, менинг бу васиятим унинг учун халифаликни талаб қилмоқдан тийиб турувчи бир улуг ҳайъат кабидир. Агар халифалик Саъдга насиб этса, бу Аллоҳ таолонинг иродасидур. Башарти насиб этмаса, қайси бирингиз ҳам халифа бўлсангиз, ўз ишингизда унга суянинг, чунки мен унинг ожизлигу хиёнат қилганини сира билмайман», дедилар.

Кейин ёстиқдан бошларини аранг кўтариб, тўпланганларга сўнгги васиятларини айтдилар: «Менинг ўзимдан кейинги халифага қиладиган васиятим шуки, аввалги муҳожирларнинг ҳақ-ҳуқуқларини эътироф қилиб, уларнинг иззат-ҳурматини жойига қўйсин! Мадинага ва иймонни қалбларига жо этган ансорларга яхшилик қилсин, уларнинг яхши ишларини қабул айлаб, ёмонларини кечирсин! Мен унга яна бундай васият қилурман: шаҳар аҳлига яхшилик кўрсатсин, чунки улар Ислому таянчи, мол йиғувчи ва душманга қирон келтирувчи бўлиб, улардан рози қилиб ортиқча молларигина олинади. Мен унга яна бундай деб васият қилурман: бадавийларга яхшилик қилсин, чунки улар арабларнинг илдиизи ва Илому ўзаги бўлиб, уларнинг сархил бўлмаган молларидан олиниб, фақирларига қайтарилади. Мен унга яна бундай деб васият қилурман: «Аллоҳ таоло ва унинг Расули зиммасидаги (яъни, зиммийлар билан мусулмонлар ўртасидаги) аҳдномага вафо қилсин, зиммийларни ҳимоя айласин, уларга тоқатлари етадиган юкнигина юкланглар!»

Ҳазрати Умар (р.а.) юқоридаги васиятни айтиб бўлгач, ҳижрий 23 (милодий 645) сананинг 27-зулҳижжа куни оғир жароҳатлардан тузала олмай, жонни Ҳаққа топширдилар. Жанозалари масжидда ўқилди, Сўхайб Румий имом бўлдилар. Тобутларини кўтарган юзлаб кишилар Оиша онамизнинг ҳужралари томон йўл олишди. Абдуллоҳ ибн Умар у муҳтарамга салом бериб: «Умар ибн Хаттоб икки дўстлари ёнига дафн қилинмоқликларига изн сўраётирлар!» деди. Оиша онамиз: «Тобутни ҳужрамга олиб кираверинглар», дедилар. Ҳазрати Умарнинг (р.а.) жасадлари ҳужраи саодатга олиб кирилиб, икки дўст ёнига дафн этилди. Шундай қилиб, ҳазрати Умарнинг (р.а.) халифалик даврлари ўн йилу олти ой давом этди. Бу зот ҳам вафот этганларида пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом каби олтимиш уч ёшда эдилар. Аллоҳ таоло барча асҳоби киромлар қатори ҳазрати Умар ибн Хаттобдан рози бўлсин!



МУФТИЙНИНГ МАХФИЙ СИРИ

Муфтий ҳазратлари, гарчи ўз ватанидан четга чиқиб, олис ўлкага шайланганини сир тутса-да, айғоқчилар унинг сафаридан хабар топиб, миршаблар ёрдамида ушлаб олишди. Муфтий қамоққа олинган, ноилоҳ тақдирнинг ёзиғи шу эканини англади. Бироқ умиди батамом сўниб, ўлдириб юборишади, деб сира ҳам ўйламасди. Ахир, уни кимсан — Америка президенти кутаётган эди-да!..

РАҚИБИ КЎП МУФТИЙ

XX аср бошларида Туркистонда кечган жадидчилик ҳаракатини Беҳбудий ҳазратларисиз тасаввур қилиш қийин. У жадидча мактаблар очиб, ўзи дарслик ёзган буюк мураббий, матбуотимиз ва адабиётимиз ривожига катта ҳисса қўшган, ўзбек драматургиясига асос солган адиб, исломий эътиқодли уламо бўлган. Ўша дамларда Маҳмудхўжа Беҳбудий Самарқанднинг муфтийи бўлиб ҳам фаолият кўрсатган эди.

Ана шундай уламнинг, табиийки, рақиблари кўп бўлиб, улар фақат рус мустамлакачиларигина эмас, жоҳил ва мутаассиб уламолар ҳам эди. Муфтий ҳазратлари мустамлакачиларнинг шовинистик муносабатларини қўл остидаги халқни қўлдан чиқармаслик ниятида қилинаётган ҳаракат деб билар, аммо мутаассиб муллаларнинг жоҳиллигини кўриб...

Хуллас, мутаассиблар муфтий Маҳмудхўжани ўзларига рақиб деб билар, улар ҳар қанақа янгиликка қарши эдилар. Улар ҳатто 1914 йилнинг 3 январ куни Самарқанддаги Улуғбек мадрасасида жума кунги намозда ваъз ўқиб, аҳли муслимга: «Усули жадидчиларнинг ва русча ўқитмоққа ташвиқ қилатурғонларнинг кофирлиги ва ҳар ким боласини усули жадид мактабига берса, ўзи кофир, хотини талоқ» бўлиши ҳақида фатво берадилар. Табиийки, бу хурофот тезда «миш-миш» шаклида бутун Туркистон бўйлаб «бола»лади. Беҳбудий ҳазратлари куюниб, мутаассибларга жавоб сифатида «Ойина» журналининг 1914 йил 12-сонида «Фавқуллода такфир»

номли мақоласини чоп эттирди.

Хуллас, авомга жадидчилик моҳиятини тушунтираётган бир пайтда хурофотчиларнинг бу қилиқлари ортиқча эди. Беҳбудий ана шундай қийин вазиятда ўлкамизда жадид мактаблари, нашриёт, кутубхона, газета ва журналлар очишни йўлга қўя олган, рақиблари кўп уламо эди.

МУРОСАСИЗ КУРАШ

Гарчи Саййид Олимхон Петербургда ўқиб, Россия ва дунёда кечаётган сиёсий бўҳронлардан хабардор бўлса-да, 1910 йил тахтга ўтиргач, аркони давлат ишларини бойликка муккасидан кетган амалдорлар ва мутаассиб руҳонийлар ихтиёрига бериб, ўзи кўпинча ҳаётини маишатбозлик билан ўтказди.

Беҳбудий ҳазратлари Шарқда ҳамон доврўғи баланд Бухорои шарифдаги мутаассибона бошқарув услуби, тараққиётдан орқада қолиб, ўлкада яна жоҳилият замонининг қайтадан бошланишидан хавфсирарди. Айниқса, «Ёш бухороликлар»дек тараққийпарвар куч атрофидаги кишиларнинг амир томонидан зиндонга ташланиши, қатл этилиши Беҳбудийни қаттиқ қайғуга соларди.

Беҳбудийнинг «ёш бухороликлар» билан алоқаси борлигини яхши билган Саййид Олимхон эса уни ўзининг ашаддий рақиб, деб биларди. Хусусан, Самарқанддаги қозихоналарда мирзалик, қозилик, муфтийлик қилган Беҳбудийнинг жадид мактаблари, театр труппалари очиш бўйича қилаётган ишлари, нафақат Туркистон, балки Россиядаги матбуот нашрларида босилган мақолалари унинг номини бу пайтда анча машҳур қилганди. Арабистон, Миср, Туркия сингари шарқ давлатларини кезган Беҳбудий ғоят обрў-эътиборли киши саналарди. Ҳатто 1907 йили Самарқандга келган жадидчилик ҳаракатининг асосчиси Исмоил Ғаспиралининг Беҳбудийникида меҳмон бўлгани унинг номини янада машҳур қилиб юборди. Буларнинг бари Саййид Олимхонга яхши маълум бўлиб, ана шундай обрўли зотнинг «ёш бухороликлар»ни қўллаб-қувватлаётгани амир-

га ёқмасди. Айниқса, сиёсий воқеалар «қозони» қайнаган 1917 йилга келиб, ҳатто, русияликларнинг ҳам у билан муроасага бораётгани амирнинг ғашини келтирди. Амир ўз тахтини қулатмоқчи бўлаётган «ёш бухороликлар» ортида Беҳбудий турмаётганми-кан, деган хаёлгаям борди.

Бу вақтда Самарқанд Туркистон генерал-губернаторлигига қарашли вилоят бўлиб, сиёсий уйғониш авж олган вазиятда Беҳбудий жамоат арбоби сифатида ҳам машҳур кишига айланди. Мустамлака амирлик ҳукмдори Олимхон шундай вазиятда бир гуруҳ туркистонликларни Бухорода қабул қилди. 1917 йилнинг апрелида бўлган учрашувда Беҳбудий ҳам иштирок этган. Қизиғи шундаки, расмий қабул маросимида амир Олимхон ҳатто гуруҳдаги барча туркистонликлар билан қўл бериб сўрашади, аммо Беҳбудийга қўл бермай, эътиборсизлик кўрсатади. Бу ҳолатнинг сабаби ҳам Беҳбудий «ёш бухороликлар» билан маслақдошлигида эди.

Айнан Бухорода бўлиб, амирнинг қабул маросимида ўзини тутиши, амалдорларнинг мутаассибона қарашларини, умуман, амирликдаги вазиятни ўрганган Беҳбудий «Хуррият» газетасининг 1917 йил 1 май сониде «Бухоро воқеалари ва дафъи тухмат» сарлавҳали мақоласини чоп эттирди. Ушбу мақолада сиёсий уйғониш замони келган бўлса-да, амирнинг ҳамон Русия мустамлакачилари, хусусан, Бухородаги элчихона бошлиғи Миллер таъсирдан чиқолмаётгани, «семизлигидан заҳмат чекаётган «амир»нинг мутаассиб диндор ва амалдорлар қуршовида қолиб кетаётганлиги»ни ёзганди.

Беҳбудийнинг Бухородаги вазият ҳақидаги мақоласидан сўнг амир айғоқчиларини унинг изига қўйиб, «газетада уриб чиққан» «Падарқуш»чига жазо бериш йўлини излай бошлади. Ҳатто, бухоролик қадимчилар амир билан келишган ҳолда Беҳбудийга имзосиз хат ёзиб, уни қўрқитиб қўймоқчи бўлдилар.

Беҳбудий бу ҳақда яна «Хуррият» газетасининг 1917 йил 16 июн сониде мақола ёзиб чиқади. «Тақрор айтарман, ким мани қўрқутарман, деб беҳуда заҳмат чекмасун, ўшал исмсиз мактубнинг таклифига мувофиқ, жавобимизни мана газетада ёздук ва энди мактуб эгасининг бизга юборатурган ўлумига мунтазирмиз. Ҳар ҳолда ўлум бирдур, икки эмас!».

Беҳбудийнинг бу мақоласи амирнинг айбини очиб, яна унинг ғазабини келтирди. Натижада Олимхон Беҳбудийни ўлим билан қўрқитмоқ эмас, балки ўлдирмоқ керак, деган фикрга келди.

МУХОЛИФАТЧИЛАРЙЎЛГА ЧИҚДИЛАР

1917 йилнинг октябрида Петербургда бўлган давлат тўнтаришидан сўнг ҳокимият тепасига келган болшевиклар сиёсати мустамлакачилик тўнининг ўзгариши эди, холос. Табиийки, Туркистонда кечган бу жараёнга «босмачилик» деб хато номланган

истиқлолчилик – совет ҳокимиятига қарши қуролли ҳаракати кўп йиллар қаршилик кўрсатиб, озодлик учун кураш олиб борди.

Бу ҳаракатнинг 1918-19 йиллардаги дастлабки босқичини кузатган Беҳбудий энг мақбул йўл хорижга бориб, болшевикларга қарши кайфиятдаги давлат раҳбарларидан ёрдам олиб, кучни бирлаштириш ва қақшатқич зарба бериш, деб билди. Шу ниятда 1919 йил 25 март куни маслақдошлари Мардонқул Шомухаммад, Муҳаммадқул Ўрунбой ва бир турк билан Самарқанддан махфий равишда чиқиб кетди.

Бу вақтда тошкентлик Садриддинхон, Нуриддинбек ва Саидносир Миржалоловлар Туркияга, Мустафо Чўқаев эса Европага йўл олган, Шерали Лапин ҳам Европа давлатлари раҳбарларига хат билан мурожаат қилганди. Улар Қўқонда тузилган Туркистон мухторияти раҳбарлари бўлиб, болшевиклар ва арман дашноқлари томонидан мухторият қонга ботирилгач, хорижий давлатлардан мадад кутиб, йўлга чиққан болшевикларнинг муҳолифлари эди. Муфтий Беҳбудий ҳазратлари эса АҚШ президенти билан учрашишни ният қилиб сафарга отланди.

Бу пайтда биринчи жаҳон уруши тугаб, ғолиб бўлган Антанта давлатлари Парижда Версал конференциясини ўтказётган эди. Болшевиклардек мустамлакачи очофатларнинг дунёга гегемонлик қилишини кўплаб хориж давлатлари, хусусан, биринчи галда АҚШ истамасди. Туркистон мухторияти раҳбарлари эса АҚШ президентиға мактуб йўллабгина қолмай, ундан жавоб хати ҳам олгандилар...

АҚШ ПРЕЗИДЕНТИ МУФТИЙНИ КУТГАНМИДИ?

Ўша вақтдаги АҚШнинг 28-президенти Томас Вудро Вилсон (1856-1924) болшевикларга қарши кураш ташаббускори бўлиб, қад тиклаётган «ўрис айиғи» ни «бешиги»даёқ бўғиш ниятида эди. У АҚШ президенти сифатида эмас, Нобел мукофоти совриндори сифатида ҳам дунёда обрўси баланд бўлиб, болшевикларга қарши курашчилар билан музокарага тайёр эди. Вилсон 1919 йил 18 январда Парижда бошланган тинчлик конференциясида болшевикларга қарши курашаётган барча муҳолифатчиларға махсус хат йўллаб, уларни Шаҳзода ороллариға таклиф этганди. Олти оролдан иборат мазкур сўлим маскан Истанбулнинг ёнгинасида бўлиб, ғарб давлатлари раҳбарларининг бу ерга денгиз йўли билан етиб келиши кутилаётганди.

Вилсон муҳолифатчилар билан кучларни бирлаштириб, болшевикларға зарба бериш ва тугатишни Париж тинчлик конференцияси кун тартибидаги долзарб масалалардан бири этиб қўйганди. Шу боис, бу масалани Истанбул яқинидаги оролда бевосита муҳолифатчилар билан муҳокама қилиш, вазиятни

батафсил таҳлил қилишга тайёр эди.

АҚШ президенти билан эса теран мулоҳазали, вазиятни беш қўлдай биладиган туркистонлик болшевиклар муҳолифатчиси музокара олиб бориши керак эди. Бундай инсон эса ўша вақтда Бехбудий бўлиб, у Бокуга, ундан Истанбулга ўтиб, Шахзода оролларига етиб бориши ва биринчи жаҳон урушида ғолиб бўлган давлат раҳбарлари билан болшевиизмга қарши кураш бўйича музокарани бошлаши керак эди.

МУФТИЙНИ КИМ ҚЎЛГА ТУШИРДИ?

Бу пайтга келиб, Хива хонлиги ва Бухоро амирлигидан ташқари, Ўрта Осиёнинг катта қисмини забт этган болшевиклар, хусусан, уларнинг айғоқчилик маҳкамаси – ВЧК кенг тармоқ отиб улгурганди. ВЧК аксилайғоқчилик тармоғи орқали Версал конференциясида болшевикларга қарши кураш масаласи муҳокама этилишидан, унда болшевикларнинг ичкаридаги муҳолифатчилари иштирок этишидан боҳабар бўлганди. Шундай экан, қайсидир муҳолиф киши ёки гуруҳнинг четга чиқиши қандайдир йўллар билан Версал конференциясига боришидан дарак берарди. Ўша вақтда Туркистон ичида «босмачилар»дан ташқари, бош муҳолифат лидери, табиийки, муфтий Бехбудий ҳазратлари бўлиб, унинг 1919 йил февралда Тошкентга келиб, вазият билан танишиб кетгани ҳам ВЧКга маълум бўлган.

Кўп ўтмай, Самарқандга қайтиб келган Бехбудийнинг у ерда туркиялик Наим афанди билан учрашгани ҳақидаги хабар тезда уларга етиб борарди. Бундай вазиятда эса кузатув остидаги Бехбудий уйда кўринмай қолди. Шунинг ўзиёқ ён-атрофдан муфтийнинг дарагини излаш ишлари олиб борилишига сабаб бўлди. Тошкентдаги болшевиклар ВЧКасига Русиянинг Бухородаги элчихонаси ходими Уткин Бехбудийнинг Бухорога келганини кўрган одамлар борлиги ҳақида хабар беради. Муфтийнинг яна бир муҳолифи амир Сайид Олимхондан уни тутишда фойдаланиш маъқуллиги эса тезда энг мақбул вариант сифатида танланади. Бундан олдинроқ болшевиклар Бехбудийнинг амир билан рақиблигини билиб, муфтийдан Олимхонни қулатишда фойдаланишни ҳам ўйлагандилар. Бироқ Бехбудийнинг нафақат амир билан, балки болшевиклар билан ҳам муроасага боролмаслиги аён бўлганди. Шундай экан, уни амир қўли билан гумдон қилиш энг осон йўл эди. Бехбудийнинг Самарқанддан пинҳона чет элга чиққанидан огоҳ бўлгач эса бундан қулай пайт сифатида фойдаландилар. Яъни, олдинга чор оҳранкаси, эндиликда эса ВЧК айғоқчиси бўлган Уткин Бухородаги қизил Русия элчихонаси ходими сифатида амир билан тезда боғланиб, Бехбудийнинг Бухорога келиб, «ёш бухороликлар» билан учрашгани, бу ердан Олимхонга қарши куч тўпламоқ мақсадида

хорижга кетаётганини шипшитган. Бу эса муфтий Бехбудийни шундоғам жини суймайдиган амир учун қулай бўлди. Боз устига, муфтий амирлик ҳудудида экан. Шу тарзда болшевиклар амир қўли билан Бехбудийнинг изига тушди.

Натижада 1919 йил апрелида амир буйруғига кўра, Шахрисабзга етиб борган Бехбудий ва унинг уч ҳамроҳи қамоққа олинади. Бу ҳақдаги хабар 1919 йилнинг 23 апрелида «Меҳнаткашлар товуши» газетасида чоп этилиб, муфтий «Бухоро тупроғидан ўтаётганларида турк муаллим Наим Афанди ила Қарши шаҳри беги тарафидан қўлга олиниб, зиндонга ташлангани» айтиб ўтилганди. Болшевикча матбуот цензураси томонидан тайёрланган бу хабар орқали гўёки Бехбудий амир буйруғига кўра, Тоғайбек томонидан зиндонга солингани, яъни муфтийнинг халқ орасида обрў қозонганини билатуриб, халқдаям амирга қарши кайфиятни кучайтириб, ўзларини оқ қилиб кўрсатмоқчи бўлгандилар.

ЗИНДОНДАГИ РАҲМДИЛ... ЖАЛЛОД

Муфшйнинг ҳамроҳи бўлмиш Наим афандини Туркия билан муносабатларни ёмонлаштирмай, дея Қарши шаҳри беги қўйиб юбортиради. Бехбудий, Мардонқул ва Мухаммадқуллар эса, Қарши шаҳрига олиб келиниб, шахсан Тоғайбек томонидан зиндонда қийноқ ва азобларга солинади. Обрў-эътиборли муфтийнинг қийноққа солинишидан, ҳатто, бекнинг жаллоди Аҳмад ваҳимага тушиб, Тоғайбекдан муфтийни озод қилишни ўтиниб сўрайди. Бекдан буни илтимос қилишининг сабаби, улар муфтийни зиндонбанд қилганларида, Бехбудий уларга ўз махфий сафарларини яшириб, ҳажга кетаётимиз, деб айтган эди. Шу йўл билан у мусулмон бек ва жаллодларнинг қўлидан озод бўлишни ўйлаганди.

Аммо Тоғайбек муфтийга қарата: «Сизлар жадид ва кофирдирсиз, Бухорога, жаноби олийга тиф тортган сизнинг маслақдошингиз эмасмилар эди? Сизларни ўлдурмоқ керак. Сизлар қутулмоқ учун Байтуллоҳга бормоқни баҳона этиб кўрсатасиз», дейди. Ҳатто, муфтийнинг тарафини олган жаллоди Аҳмадниям калтаклатиб, сўнг ўлимга ҳукм қилади.

Бехбудий ва унинг ҳамроҳларини эса, «Наука и просвещение» журналининг 1922 йил 1-сонидаги ҳожи Муиннинг мақоласидаги фикрларга кўра, «ўзлари учун қабр қазишга мажбур этадилар ва шу қабр ёнида уларни бўғизлаб, шу ерга кўмадилар».

Шу тариқа 1919 йил июн ойининг бошларида Қарши шаҳрида буюк маърифатпарвар муфтий Маҳмудхўжа Бехбудий 44 ёшида фожиали қатл қилинди. Гарчи, улуғ маърифатчи Бехбудий шахид бўлса-да, истиқлолга интилган аждодимиз сифатида тарихда қолди ва қолажак.

Умид БЕКМУҲАММАД.

Аҳмад МУҲАММАД

ИЙМОН ҲАЛОВАТИ

(Давомли асарнинг боши 4,5,6,7,8,9,10,11 ва 1434 йилдаги 1,2,4-сонларда)

Ички бир руҳий эҳтиёж намоз ўқишни ўрганишга чорлайверди. Турсам ҳам, юрсам ҳам бу ҳақда ўйлайвердим. Бир-икки бор миямни кемираётган фикрлардан қутулмоқчи бўлиб, ўзимни чалғитиб ҳам кўрдим. Аммо энди ҳеч нарса таскин, ором бермай кўйганини англадим. Охири қатъий бир қарорга келдим: Маҳмуджон аканикига қатнаб, намозликларни ўрганишга қарор қилдим. Бир ой деганда бир неча сура ва дуоларни ёдлаб олдим.

...Ҳозир хонамга беркиниб намоз ўқишга киришдим. Сабаби, намоз бошлаганимни ҳали отаонамга билдирганим йўқ. Жойнамоз устида туриб қўлимни кўтарганимча «Аллоҳу акбар» дедиму борлиқ-атрофимдаги ҳамма нарсадан узилгандай бўлдим, ҳамма нарсани унутдим. Чунки устозим такбирдан сўнг намозда дунёнинг ҳамма ишлари ҳаром бўлади, шунинг учун у «такбири таҳрима» дейилади, деб ўргатдилар. «Аллоҳ буюқдир!» дея дунёнинг ҳамма нарсасидан узилиб, ёлғиз Аллоҳ таоло қаршисида турганимни ҳис этиш чиндан ҳам ҳаяжонли ва масҳулиятли вазифа эди. Акс ҳолда намозда, ибодатда ҳузур-лаззат бўлмайди, деб таълим берганлар.

«Аллоҳу акбар!» деб намозни бошладим.

Бандаликни тан олиб, Аллоҳга холис ибодат қилиш бахтига мушарраф бўлган эдим. Ҳар бир калимани устозим ўргатганларидай чиройли ва беҳато талаффуз қилишга уринаман. Ҳар бир ҳаракатимнинг бенуқсон ва комил бўлишига интиламан. Ҳамма инсон ҳамиша адашувда, хатокор экан: гоҳ рукуъда тўла эгилмаганимни, баъзан саждада оёқларимни тик тутмаганимни, гоҳида бирор ҳарфни жойидан чиқара олмаётганимни сезиб қоламан. Аммо тушкунликка тушмайман. Аста-секин ибодатимни мукамал қилиб боряпман.

Ҳар гал устозникига борганимда у кишининг иймон, эътиқод, охират ҳаёти, яхшилик ва ёмонлик, ҳалол ва ҳаром ҳақидаги гапларини жондидим билан тинглайман. Мағзини чақиб, ўзимча тафаккурга бериламан. Янги-янги нарсаларни кашф қиламан. Аввалгидай устознинг гапларидан хато излашни, уларга қарши далил-исбот топишни хаёлимга ҳам келтирмайман. Бизникида ишлаганларида қилган насиҳатларини назарга илмаганим, ҳатто устларидан кулганим учун ўзимдан ҳам уялиб кетаман. Сўнг «Унда жоҳил эдим, бу гапларнинг ҳақлигини билмас эдим, мана Аллоҳ йўл берди, тушунадиган қилиб қўйди,

бунинг учун Парвардигорга беҳисоб мақтовларим бўлсин» маъносидаги илтижолардан ўзимга тасалли-юпанч топаман.

Айниқса устозимнинг кечаги гапларини бир умрга эсдан чиқармасам керак. Аввал энг улуғ ибодат бўлмиш намознинг фазилатлари, аҳамияти ҳақида жўшиб гапирдилар. Кейин бироз нафас ростлагач, бир нарсдан қаттиқ афсуслангандай бошларини сарак-сарак қилиб сўз бошладилар:

– Кўпларимиз намоз ўқимаслик учун узрлар, баҳоналар, сабаблар ахтарамиз. Бирортамизга «Нега намоз ўқимаяпсиз?» дейилса, «Нима учун намоз ўқишим керак?» деб қарши савол берамиз. Ёки бировимиз «Намоз ўқимасам ҳам виждоним тоза, ўзганинг ҳақини емайман, ҳаммага яхши муносабатда бўламан, доимо яхшилиқ, хайр-эҳсон қиламан» деб тасалли ахтарамиз. Ваҳоланки, дунёда ҳамма нарса ҳисоб-китобли эканини яхши биламиз. Бировдан қарз олсак, муддати етиши билан уни қайтариш керак бўлади. Бирор мардикор ё устани ишлатсак, ишни тугатиши билан ҳаққини адо этишимиз керак. Маошимиз сал кечикса, асабимиз бузилиб, тезроқ уни қўлга киритиш пайдан бўламиз. Энди бир тасаввур қилиб кўринг, Умиджон: Аллоҳ таоло бизларни зулумот оламидан ёруғ дунёга келтирган бўлса, яшашимиз учун бу тўкин заминни, бағри хазинага тўла тоғларни, нафас олишга мусаффо ҳавони, ичишимиз учун зилол ва ширин сувни, емишимиз учун хайвон, парранда, балиқларнинг тотли гўшти ва сутини, арининг болини, шириндан-шакар анвойи меваларни яратиб қўйган бўлсаю буларнинг эвазига ҳеч нарса тўламай қочиб юраверсак, адолатдан бўлармикин? Бизларни соғ-саломат, барча аҳзоларимизни беками-кўст, ўзимизни ўйли-жойли, оилали, фарзандли, давлатли қилиб қўйган бўлсаю бунинг эвазига Унга қўллимизни, шукримизни, миннатдорлигимизни изҳор этмасак, инсофдан бўлармикин? Банданинг Аллоҳга миннатдорлиги, шукронаси эса намоз билан, ибодат билан адо бўлади. Беш вақт намоз ўқибгина Аллоҳнинг розилигини топамиз. Топибгина қолмай, яна Унинг охиратдаги мукофотига – жаннатига эришамиз.

Маҳмуджон ака ҳаяжон ичра сўзлар эканлар, кўзларини мендан узмас, гаплари қандай таъсир қилаётганини сезмоқчи бўлар эдилар. Мен эса бу гаплардан тамоман эзилган, шунча йилни бенамозликда ўтказганимдан надоматларим чексиз, чегарасиз бир аҳволда эдим. Уста ака чуқур сўлиш олдилар-да, яна оҳиста сўз бошладилар:

– Намоз ҳақида сўз очилса биримиз ишимиз

кўплигидан, бошқамиз рўзғор ташвишларию бола-чақа муаммоларидан бўшамаётганимиздан зорланамиз. Яна биримиз «нафақага чиқиб олсам, қизимни узатиб олсам, манави ишимни битириб олсам» деган сон-саноксиз важ-корсонларни рўқач қилиб намоз бошлашни пайсалга соламиз, орқага сурамиз. Гўёки нафақага чиққунча ёки ўша ишимизни битиргунча Аллоҳ яшашимизга кафолат бериб қўйгандай... Гўёки ажал фариштаси юмушларимизни тамомлаб, пешонамиз саждага тегишини кутиб турадигандай... Ёки баъзиларимиз намоз ўқишга шароит топилмаётганини, таҳоратга иссиқ сув йўқлигини, яна аллақанча нарсаларни баҳона қилиб намоз ўқишдан бўйин товлаб юрибмиз.

Маҳмуджон акани яна ўйимиздаги каби аввалги жўшқин, ҳаяжонга чўмилган ҳолатларида кўриб турган эдим. Одатда ўта босиқ, ҳалим, ёш болага ҳам озор бермайдиган Маҳмуджон ака иймон, эътиқод, эзгулик ҳақида сўз очганларида ҳозиргидай виқорли, қатъиятли, бироз қизиққон бўлиб кетар эдилар. Мендан кўз узмаган ҳолда жўшиб-қайнаб давом этдилар:

– Гоҳида соғлиғимиз яхши эмаслигидан, намозда ўтириб-туришимизнинг қийинлигидан ёки кимларнингдир ваҳшатидан кўрқиб намоз ўқимасликка сабаб ахтарамиз. Ваҳоланки, динимизда ҳатто узлуксиз бурни қонайдиган, таҳоратини тута олмайдиганлар ҳам намоздан озод қилинмаган, бундайлар узрли киши сифатида намоз ўқишади. Кексайиб-қартайганлик, оғир хасталик, жисмоний нуқсон ҳам намоз ўқишга монъе бўла олмайди: бундайлар ўтириб, имо-ишора билан, ёнбошлаган ҳолда намоз ўқишлари мумкин. Агар кийим топа олмай, яланғоч қолсангиз ҳам ўтирган ҳолда ибодат қилаверасиз.

Устознинг бу саволлари менга қаратилганмиди ёки ҳаммани назарда тутдиларми, билмадим аммо менинг аҳволим ҳозир ҳавас қилгудай эмас эди. Бутун вужудим хижолатликдан қизиб борар, пешонамдан маржондай тер қуюлар эди. Минглаб игна устида ўтиргандай ўзимни қўйгани жой топа олмасдим. Оддий бир инсоннинг иймон ва намоз ҳақидаги оддийгина савол-сўроқлари қаршисида шунчалик хижолат ва ўнғайсизликларга тушиб ўтирибману эртага Аллоҳ таолонинг буюк ҳисоб-китоби олдида нима деб жавоб беришимни билмас эдим...

(Давоми бор)

QUDDUS AMAKINING QISSALARI O'N UCHINCHI SABOQ

OTA-ONANGIZNI HURMAT QILING

Assalomu alaykum, mening jajji musulmon birodarlarim!

O'tgan mashg'ulotlarda topshirgan saboqlarimni esdan chiqarib qo'ymayapsizlarmi? Eng avval qaysi kalimalarni o'rgangan edik? To'g'ri «Bismillahir rohmahir rohiym». Undan keyin-chi? «La ilaha illallohu Muhammadur rasululloh». Barokalloh! Ana shu kalimaning ma'nosi qanday edi? «Allohdan boshqa iloh yo'q, Muhammad (a.s.) Uning elchisi, rasulidir». To'ppa-to'g'ri!

Bugun sizlarga ota-onani hurmatlash haqida gapirib beraman. Hammamizning ota-onamiz bor. Nega ularni hurmat qilishimiz kerak, bilasizlarmi? Shuning uchunki, Alloh taolo bizga ularni hurmat qilishni buyurgan. Payg'ambarimiz alayhissalom ota-onasini rozi qilmagan, ularni xafa qilgan odam jannatga kirmaydi, deganlar.

Mana, o'zingiz o'ylab ko'ring. Onangiz yangi tug'ilgan ukangizni ko'tarib yuribdi. Uni tuqquncha rosayam qiynalgan. Tuqqandan keyin ham sira undan bo'shamaydi. Har bir-ikki soatda emizib ovqatlantiradi. Tagini ho'llab qo'ysa, kiyimlarini yangilaydi. Terlab qolsa ham kiyimini almashtiradi. Uyqusi kelsa, beshikka belaydi. Tebratib, alla aytadi. Uyg'onsa, yechib oladi. Sog'lom, baquvvat o'ssin deb badanini uqalaydi. Tez-tez cho'miltiradi. Sal tobi qochsa-ku, qo'yavering. Ovqat, uyqu, dam olish – hammasi esdan chiqadi. Tuzatib olguncha butunlay oromi yo'qoladi. Sal katta bo'lsa, gapirishga o'rgatadi, harf tanitadi. Mana shunday mashaqqat, azoblar bilan umrining oxirigacha «bolam, bolam» deb o'tadi. Bizga shunchalik mehr ko'rsatib, hamma narsasini berib, katta qilgan onamizni hurmatlamay bo'ladimi?

Bir dono bobodan bir kishi shunday deb so'ragan ekan:

«Men onamni ovqatlantiraman, kiyintiraman. Opichlab tahoratga olib chiqaman. Nima desalar bajaraman. Hatto yelkamda ko'tarib Makkaga oborib haj qildirib keldim. Ana shu bilan onamni rizo qildimmi?» Shunda boyagi dono bobongiz shunday javob qaytaribdilar: «Yo'q, shuncha xizmatning bilan bir kecha oromini buzganining haqqini ado qilibsan». Ko'rdingizmi, do'mboqchalarim, onalar qandoq ulug' bo'lisharkan, Payg'ambarimiz alayhissalom: «Jannat – onalarning oyog'i ostidadur», deb bekorga aytmaganlar. Demak, jannatga kiraman degan odam onasini rozi qilishi, duosini olishi kerak ekan.

Xuddi shuningday sizni tug'ilib, voyaga yetishingizda otangizning ham xizmati katta. U siz tug'ilishingiz bilan yaxshi ism qo'yadi. Qo'y so'yib aqiqa to'yi qilib beradi. Siz yeydigan hamma ovqatlarni topib keladi. Sut deysizmi, pechenye deysizmi, shokoladu mevalar deysizmi – hamma narsani muhayyo qiladi. Qanday kiyim yoki o'yinchoqni xohlasangiz, bozordan olib keladi. Sizga tarbiya, ilm, hunar o'rgatadi. Avval maktabga, keyin oliy maktabga o'qishga beradi. Xullasi bir umr sizning baxtu kamolingiz deb harakat qiladi. Otalar ana shunday g'amxo'r, saxiy, mehribon bo'lishadi. Shuning

uchun ularni doimo hurmat qilamiz. Dillarini og'ritmaymiz. Chunki otaning g'azabiga uchragan odam Allohning g'azabiga uchraydi.

Ota-onalarimiz ana shunday hurmatga sazovor odamlar. Shuning uchun ularni doimo e'zozlashimiz kerak. Alloh taolo Qur'oni karimda shuni buyurib qo'ygan. Payg'ambarimiz ota-onani hurmatlash haqida juda ko'p hadislar (nasihatlar) aytib qoldirganlar.

Xo'sh, ota-onani qandoq qilib hurmatlaymiz? Bu to'g'rida Islom dinimiz qanday yo'l ko'rsatgan? Endi, aziz shirintoylarim, sizlarga ana shuni tushuntirib beraman, xo'pmi?

Eng avvalo ularga shirinso'z bo'lib, aytganlarini darrov qilishingiz kerak. Biror ish buyurishsa, aslo «Uf» demang, gap qaytarmang. Ulardan ruxsat so'ramay, hech qayerga bormang. Hatto o'ynagani ko'chaga chiqsangiz ham ijozat oling. Ularning nasihatiga quloq soling. Biror ishni «qilma» deyishsa, aslo qilmang. Chunki ular buning yomonligiga aqlari yetib turadi. Ularni ko'rganda darrov o'ringizdan turing. Oldilariga kirganda salom bilan kiring. Ko'chada ketayotganda doimo ulardan orqada yuring. Uyda ulardan pastda o'tiring. Oldilarida oyog'ingizni uzatib o'tirmang yoki yotmang. Ularning nomini atab chaqirmang. Hazil-mazax qilmang. Ularga xo'mrayib qaramang. Chaqirishsa «Labbay» deb darrov boring. Ularga yumshoq gapiring, ovozingizni ko'tarmang. Aslo so'ka ko'rmang, chunki bunday qilsangiz, albatta, do'zaxga tushasiz.

Katta bo'lib ishga kirganingizda birinchi maoshingizni ota-onangizga olib kelib bering. Keyin ham ularning ko'ngli xohlagan narsalarni sotib olib bering. Chunki Alloh taoloning buyrug'iga ko'ra bola nima mol-davlat topsa, o'sha ota-onaniki ham bo'ladi. Chunki ular ham sizni katta qilish, tarbiyalash uchun hamma topganlarini sarflashgan-da, to'g'rimi?!

Yuqoridagi topshiriqlarim ko'zingizga juda ko'p ko'rinib ketmasin. Birinchidan, bular unchalik qiyin ishlar emas. Ikkinchidan, ota-onangiz shunaqangi aziz, tabarruk insonlarki, ular uchun bu xizmatlaringiz juda arziyas narsalar. Uchinchidan, siz yosh, kuch-quvvatingiz joyida bo'ladi. Ular esa kun sayin keksayib, kuchlari kamayib, sizga muhtoj bo'lib borishadi. Ana shuning uchun ularning xizmatlarini qilib, rozi etishga, xursand qilib, duolarini olishga sira-sira erinmang!

Gaplarimni yaxshilab uqib, bugundanoq ularni mamnun qilishga shoshiling! Agar biror gapingiz yoki ishingiz bilan ranjitib qo'ygan bo'lsangiz, darrov kechirim so'rang. Bo'ynilaridan quchoqlab, yuzlaridan o'pib endi sira xafa qilmaslikka so'z bering. Chunki Alloh ota-onasini rozi qilmay, ularni ranjitgan bolani aslo yaxshi ko'rmaydi. Jannatga ham kirgizmaydi.

Ana endi nega ota-onamizni hurmat qilishimiz kerakligini tushunib oldingizmi, mening shirintoylarim?!

ТОШКЕНТ ҲАҚИДА НИМАЛАРНИ БИЛАСИЗ?

Милоддан аввалги иккинчи асрда қадимий Хитой қўлэмаларида шаҳар ҳақидаги илк маълумотлар пайдо бўлди, турли манбаларда «Ши», «Чоч», «Шош», «Шошкент», «Бинкат», «Таркан» деб тилга олинди. Милоддан аввалги 175-140 йиллар. Шош, Хоразм, Сугдиёнани ўз ичига олган Қанғ давлати гуллаб-яшнади.

Милодий 712-713 йиллар (ҳижрий 95). Қутайба ибн Муслим бошлиқ Ислому қўшинлари Шошни фатҳ этишди.

819/820 – 855/856 йиллар. Шош Сомонийлар сулоласи ҳукмронлиги остида бўлди.

903–976 йиллар. Шошлик улуғ муҳаддис ва фақиҳ Абу Бакр ибн Исмоил Қафғол Шоший яшаб, ижод қилди.

1036–1144 йиллар. Таниқли фақиҳ ва муҳаддис Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад Шоший яшаб, ижод қилди.

1404 йил. Шошда атоқли тасаввуф олими ва давлат арбоби Хожа Аҳрор Валий туғилди.

1576 йил. Ўзбеклар хони Абдуллахон Шошни босиб олди.

1588 йил. Шаҳарда Абдуллахонга қарши қўзғолон кўтарилди.

1612–1613 йил. Шошни Имомқулихон босиб олди.

1723 йил. Тошкентда Ўрта Осиёда илк бор аҳоли ва хонадонлар рўйхатга олинди.

1850 йил. Тошкентда 270 та маҳалла, 310 та масжид, 17 та мадраса, 11 та ҳаммом, 15 та карвонсарой, 11 минг ҳовли ва 150 минг аҳоли бўлган.

1865 йил 17 май. Тошкентни Чор Россияси қўшинлари босиб олди.

1866 йил. Муҳандис М. Колесников илк бор Тошкент шаҳрини режалаш лойиҳасини ишлаб чиқди.

1868 йил. Тошкентдаги округ ҳарбий штабида Ўрта Осиёдаги биринчи босмахона ташкил этилди.

1883 йил. Тошкентда ўзбек тилидаги илк босма газета – «Туркистон вилоятининг газети» нашр этила бошланди.

1892 йил июни. Тошкент аҳолисининг тарихда «Вабо қўзғолони» номи билан машҳур қўзғолони бошланди.

1900 йил. Фарбий Оврупага биринчи сафар қилган тошкентлик савдогар Тожимуҳаммад Исомуҳаммад ўғли халқаро Париж кўргазмасида қатнашди, кейин эса Лондонда бўлди.

1905 йил 19 октябр. Тошкент шаҳар Думаси биноси олдида намоийишчилар ўққа тутилди.

1907 йили Тошкент шаҳрида 23 та мадраса бўлган.

1909 йили Ригадаги "Грамофон" фирмаси самарқандлик машҳур ҳофиз Ҳожи Абдулазиз Расулов ижро этган "Ироқ", "Насруллоҳи", "Ушшоқ" мақомларини алоҳида елимтовоқ (пластинка) қилиб чиқарди.

1915 йили Мулла Олим Маҳдумхўжа Тошкандий қаламига мансуб икки жилдли «Тарихи Туркистон» асари Тошкентда нашр этилди.



1916 йили Хўжанд, Андижон, Марғилон, Наманган, Тошкент, Жиззахда рус подшоси сиёсатига қарши халқ қўзғолонлари бўлди.

1917 йил 14 мартда тошкентлик атоқли маърифатпарвар Мунавварқори Абдурашидхонов бошчилигида «Шўрои Исломия» тараққийпарвар зиёлилар ташкилоти тузилди.

1926 йили Тошкентда 274 автомобил ва мотосикл рўйхатга олинди.

1942 йили тошкентлик темирчи Шоаҳмад Шомаҳмудов ва хотини Баҳри Акрамовалар жаҳон уруши туфайли етим қолган турли миллатга мансуб ўн тўрт болани боқиб олишди.

1943 йил 20 октябрда Тошкентда Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон муслмонлари вакилларининг қурултойида Ўрта Осиё ва Қозоғистон муслмонлари диний назорати (идораси) ташкил этилди.

1953 йилдан Тошкентда беш жилдли "Русча–ўзбекча луғат" ва Абу Али ибн Синонинг кўпжилдли "Тиб қонунлари" асари ўзбек ва рус тилларида нашр этила бошланди.

1957 йили Тошкент вилоятидаги "Шарқ юлдузи" колхозини раиси Ҳамроқул Турсунқуловга учинчи марта Меҳнат Қаҳрамони унвони берилди.

1958 йили америкалик машҳур қоратанли кўшиқчи Пол Робсон Тошкентдаги "Пахтакор" стадионида концерт берди.

1966 йил 26 апрелда Тошкент шаҳрида катта вайронгарчиликлар келтирган кучли zilзила бўлди

БИЛДИРИШ

Журналимизнинг ўтган 4-сонида "Бевосита мулоқот" сарлавҳали материалда техник сабабларга кўра хатога йўл қўйилган. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратларининг жавоблари ичига журнал бош муҳаррири Аҳмад Муҳаммад Турсуннинг олимларимиздан Муҳаммад Шариф Жуман билан ҳаммуаллифликда нашр этган "Динда саволим бор" китобидаги савол-жавоб ҳам қўшилиб кетган (бешинчи китоб, 69-71-бетдаги савол-жавоб). Беихтиёр йўл қўйилган бу янглиш-хато ва етказилган озорлар учун Шайх ҳазратларидан ва барча ўқувчиларимиздан узр сўраймиз. Аллоҳ таоло: "Ким сабр қилса ва кечириб юборса, бу ишларнинг мақсадга мувофиғидир", деган (Шўро, 43).

Таҳририят.

ЧУҚУР МОТАМДАМИЗ!



“Ислом.уз” портали, “Ҳилол-нашр” нашриёти ва “Ҳилол” электрон журнали ходимлари замонамизнинг атоқли олимларидан Муҳаммад Саид Рамазон Бутийнинг “Мазҳабсизлик – Ислом шариатига таҳдид солувчи хатарли бидъатдир” китобини нашрга тайёрлаётган соатларда Сурия пойтахтидан мудҳиш хабар келди: Ислом душманлари у зотни “Имон” масжидида илм толибларига дарс ўтаётган пайтларида портлатиб, ҳалок этишибди (Инна лиллаҳи ва инна илайҳи рожиъун).

Рамазон Бутий ҳозирги даврнинг ва Ислом миллатининг фидойи инсонларидан эдилар. Кун кеча бутун мусулмон умматини Исломга қарши фитналардан жиддий огоҳлантирган, ихтилофларни бир четга суриб, бирдамликка ва биродарликка чақирган эдилар.

Доктор Муҳаммад Саид Рамазон Бутий ҳазратлари 1929 йили Туркия ҳудудига кирувчи, Ироқнинг шимолий томонидаги Бутан (Ибн Умар) оролчасидаги Жилка қишлоғида дунёга келдилар. Тўрт ёшга етганларида, оталари мулла Рамазон билан биргаликда Дамашққа ҳижрат қилдилар. Академик лицейни Дамашқдаги Исломий йўналиш маъҳадида тамомладилар. 1953 йили Азҳар университетининг Шариат факультетида ўқишни давом эттириб, 1955 йили мазкури университетнинг халқаро дипломини қўлга

киритдилар. Келгуси йили Азҳар университетининг араб тили факультетида ўқишни давом эттирдилар. Ўша йил ниҳоясида мураббийлик дипломини қўлга киритдилар. 1960 йили Дамашқ университетидagi Шариат факультетида профессор ассистенти бўлиб ишладилар. 1965 йили Азҳар университетининг тавсияси билан Ислом шариати усулидан докторлик дипломини қўлга киритдилар. Мазкур йили Дамашқ университетидa мударрисликка тайинландилар. Сўнгра вакил, кейин проректор, сўнгра Дамашқ университетининг ақида ва дин бўлими бошлиғи этиб тайинландилар. У киши Иорданиянинг Уммон шаҳридаги Ислом маданияти тадқиқот маркази академиясининг ва яна Оксфорд академиясининг олий мажлиси аъзоси эдилар. Араб, турк, курд тилларини яхши билар ва инглиз тилида сўзлаша олар эдилар.

У кишининг шариат, одоб, фалсафа, жамиятшунослик ва цивилизация муаммоларига оид олтмишдан ортиқ китоблари бор, булардан «Фикҳус сийратин-Набавия», «Шарҳу Ҳикамил Атоия», «Кубро яқийниётил кавния», «Ҳаза волидий», «Салафия марҳалатун заманиятун муборака лаа мазҳабун исламий», «Ал-лаа мазҳабийя ахтору бидъатин туҳаддиду шарийъатал Исламия» кабилар дунёда машҳурдир.

Рамазон Бутий ҳазратларининг Дамашқ масжидларида кунлик ва ҳафталик ваъз-иршод мажлислари бўлиб, уларда минглаб эркак ва аёллар ҳозир бўлишарди. Бундан ташқари, газета-журналларга исломий маевуларда мақолалар ёзиб турар ва янги муаммоларга жавоб берардилар.

Аллоҳ таоло Рамазон Бутий ҳазратларини Ўз раҳмати билан чулғаб олсин, у зотнинг ўлиmidан қаттиқ мотам чекаётган барча мусулмонларга чиройли сабр берсин!